



Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 13 июнь • шанба • № 62-63 (4348)

Илмли одамлар – мамлакатимизнинг олтин фонди. Уларнинг қўлида келажакимиз бўлган болаларимиз тарбияланади.
Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ҲАР БИР СОҲАДА ИЛМ РИВОЖЛАНСА, ПИРОВАРД НАТИЖАДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 июнь куни пойтахтимизнинг Олмазор туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз дастлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика институтига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисига шу йил январь ойидаги Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир неча устувор йўналиши ривожлантирилишини айтган эди. Жорий йилда математика фани ана шулардан бири сифатида белгиланди.

Бу халқимизни ҳам, илмий жамоатчиликни ҳам ғоят қувонтирди. Чунки математика юртимизда чуқур тарихий асосга эга ва бугунги кунда тараққиёт учун ғоят долзарб.

Мамлакатимизда ушбу йўналишни ривожлантиришда Фанлар академиясининг Математика институти катта ўрин тутди. 1943 йилда ташкил этилган бу даргоҳ ўтган даврда математик тадқиқотларнинг йирик марказларидан бирига айланган. Бу ерда шаклланган алгебра ва функционал анализ, дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика бўйича илмий мактаблар жаҳон олимлари томонидан эътироф этилган.

2019 йилда мазкур фанни ривожлантириш бўйича муҳим қадам ташланган эди. 9 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Математика таълими

ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида Математика институтига қатор имтиёзлар берилди, жумладан, замонавий бино билан таъминлаш белгиланди. Чунки институт шу пайтгача эски, таъмирталаб бинода иш юритиб келаётган эди.

Математикаларга замонавий шароитлар яратиш мақсадида Олмазор туманидаги Талбалар шаҳарчасида янги бино курибли, фойдаланишга топширилди.

Президентимиз бу ерда яратилган қулайликлар билан танишди. Янги иморатда 7 та илмий лаборатория ва «Еш математиклар» маркази фаолият юритади. Бинонинг шинам қаватларида ахборот-ресурс маркази ва семинар хоналари, академик ва тадқиқотчилар учун кабинетлар, кутубхона, мажлислар зали, ошхона жойлашган. Хоналар энг илғор техника ва ускуналар билан жиҳозланган.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 12 июнь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинни Россия куни билан табриқлади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Филиппин Республикаси Президенти Родриго Дутертега Мустақиллик куни муносабати билан табриқ йўлади.



2020 йил июнь ойи бошида Япония Ташқи Савдони Ривожлантириш ташкилотининг (JETRO) Тошкентдаги ваколатхонаси Ўзбекистоннинг ўн тўрт худудининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳақида япон тилида маълумот тайёрлади ва маълумот JETRO веб-саҳифасида нашр қилинди.

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов видеоконференс-алоқа шаклида бўлиб ўтган «Европа Иттифоқи – Марказий Осиё» вазирлар учрашувида иштирок этди.

Термиз шаҳридаги «Мазрифат» маҳалласида кекса авлод вакиллари учун замонавий «Нуронийлар чойхонаси» биноси курилишига тамал тоши қўйилди.



Андижон шаҳрида эҳтиёжманд қўйин турмуш шароитларида яшаётган 92 оилга 144 бош эчки ва 200 бош қуён тарқатилди.

Термизда «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори остида «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» таъминоти асосида ўтказилган долзарб уч ойликнинг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.



«Андижоннефт» акциядорлик жамиятига қарашли «Учтепа» қониди мукаммал таъмирлаш ишларидан кейин бўр даври ётқизиқларининг XVIII қатламидан табиий газ қазиб чиқариш қайта йўлга қўйилди.

Халқаро анжуман



Онлайн видеоконференцияда бугуннинг вазифалари таҳлил қилинди

Мамлакатимиз Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева, Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусанов, Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов, Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий вакили Улуғбек Лапасов иштирокида видеоконференция шаклидаги учрашув бўлиб ўтди.

3-саҳифа

Ишчи гуруҳи – Тошкентда:

КАТТА ШАҲАРДАГИ КАТТА МУАММОЛАР

Битта туманда 1 минг 193 нафар боланинг тирик етимга айланганини тасаввур қила оласизми? Бир мактабда тахсил олаётган болаларнинг барчаси сағир эканини-чи? Бундай аянчли ҳолатлар рўй бераётганига ҳайрон қолмасликнинг иложи

йўқ. Эр-хотиннинг ажралиши, бир оиланинг пароканда бўлиши, болаларнинг тирик етимга айланишининг илдизи нималарга боғлиқ эканидан далолатмасми бу?

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маъ-

навий қўллаб-қувватлаш бўйича ташкил этилган Республика ишчи гуруҳи Тошкент шаҳридаги аёллар муаммоларини Олмазор тумани мисолида ўрганиш чоғида ана шундай ҳолатга дуч келди.

3»

Республика ишчи гуруҳи томонидан Олмазор туманида уйма-уй юриш натижасида хотин-қизлар муаммолари ўрганилди



58 ТА МАҲАЛЛА



440 ТА ХОНАДОН



482 ТА МУАММО

АНИҚЛАНГАН АСОСИЙ МУАММОЛАР



128 ТА МОДДИЙ ЁРДАМ АЖРАТИШ БЎЙИЧА



135 ТА УЙ-ЖОЙ ВА УНИ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА



64 ТА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА



114 ТА ТИББИЙ ЁРДАМ БЎЙИЧА



20 ТА БАНКДАН КРЕДИТ ОЛИШ БЎЙИЧА



4 ТА КОММУНАЛ СОҲА БЎЙИЧА



4 ТА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ЙУНАЛИШИДА



1 ТА ОИЛАЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТ БЎЙИЧА

Эътироф

Майк Помпео:



«Ўзбекистонда диний вазият – ЯХШИ»

3-саҳифа

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясида кундузги фаолият қўраётганимиз

12-11 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-centerга

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Келгуси сонларда ўқинг:

Яна ўша... Канизак ҳақида



2020 йил 12 июнь куни мамлакатимизда 128 нафар кишида коронавирус инфекцияси аниқланди. Шу кунгача Ўзбекистонда жами 4869 нафар кишида касаллик аниқланган. Шу вақтгача 19 нафар бемор вафот этган, 3758 нафар киши тuzалган.

<https://t.me/koronavirusinfouz>

ҲАР БИР СОҲАДА ИЛМ РИВОЖЛАНСА, ПИРОВАРД НАТИЖАДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

41

— Бу замонавий институт барча олимлар учун маърифат маркази бўлиши керак. Математика кўп фанларга йўл очади. Уни Талабалар шаҳарчасида барпо этганимиз бежиз эмас. Бу институт таълим ва илм-фан ўртасида узвийликни таъминлаши, мамлакатимиз ривожига замин яратиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

2020 йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда математика илм-фани ва таълимини янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган қатор вазифалар белгиланди.

Шу ерда таълим соҳаси мутасаддилари, ректор ва олимлар билан мулоқот бўлди.

— Математика фанининг тамал тошини Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний каби улғу боболаримиз қўйган. Бу бизнинг қонимизда бор. Лекин охири йигирма йилда математикадан билим даражаси пасайиб кетди. Чунки ўқитувчиларга керакли эътибор, муносиб ойлик беролмадик, пировард мақсад қўя олмадик. Бунинг оқибати ҳозир кўпдан-кўп соҳаларда сезилаяпти. Бугун бу фани ривожлантиришдан мақсадимиз — математика бўйича рақобат муҳитини яратиш, саноат, муҳандислик йўналишларида етук кадрлар тайёрлаш, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 31 май куни олимлар билан учрашувда математик онгни боғдан бошлаб шакллантириш зарурлигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, Математика институтини мактабга таълим, мактаблар ва олий ўқув юртидаги дарсларни мувофиқлаштирадиган тизим йўлга қўйилмоқда.

Шу борадаги тақдирот билан танишар экан, Президентимиз «Математика ўқитувчиларининг билим ва малакаси бўйича ҳар бир туман кесимида таҳлил борми? Моддий ва ташкилий жиҳатдан яна нималар қилишимиз керак?» дея саволлар қўйди.

— Кечаги дарс бериш услуби билан математикани жадал ривожлантириб бўлмайди. Шу боис аввал амалда яхши натижа берган хорижий методика асосида таълим дастурлари яратиб, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш зарур. Методика шундай бўлиши кераки, у болаларда математикага муҳаббат уйғотсин. Бунинг учун ўқувчилар бу фан ҳаётида, ҳар бир соҳада кераклигини англаши зарур. Ёшлар имтиҳондан ўтиш учун эмас, билимли мутасаддис бўлиш учун ўқиши лозим, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Охири беш-ўн йилда математика йўналиши бўйича университетларни битирган ёшларни топиб, хоҳишига қараб қайта тайёрлаб, мактабларга, фан номзодларини эса олий таълим муассасаларига



инновацион ғоялар стартапларга айланиб, иқтисодий тармоқларига жорий этиладиган марказ бўлиши зарурлигини таъкидлаган эди.

Шу асосда ҳар томонлама пухта лойиҳа ишлаб чиқилди. Натижада бу ерда пойтахтимиздаги меъморий жиҳатдан кўркам бинолардан бири қад ростланди.

5 қаватли бинодо инновацион муҳит яратилган. Биринчи қаватда кўрғазмалар зали, амфитеатр, ёш ихтирочилар хонаси, ахборот бўлими, электрон кутубхона, қаҳвахона, болалар хонаси, фуқаролар қабулхонаси жойлашган. Иккинчи қаватда Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази, робототехника ва меҳатроника, интернет дастурлари бўйича замонавий лабораториялар ташкил этилган. Илмий-техник ахборот маркази, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий маркази, стартап хоналари учинчи қаватда жойлашган.

Президентимиз видеоалоқа тизими орқали вазириликнинг Илғор технологиялар маркази мутасаддилари билан мулоқот қилди. Давлатимиз томонидан одамларни илм-фанга қизиқтириш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Вазириликнинг янги замонавий биносида бунинг учун барча шароит мўжайё. Иқтидорли ёшлар бу ерда энг сўнгги ишланма ва технологиялар билан танишиш баробарида стартап лойиҳаларда иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Бинода кенгайтирилган виртуал реаллик технологияси — NazzAR платформаси ишга туширилган. Бу технология фойдаланувчиларга қўлидаги смартфон орқали дунё объектлари билан интерфол муносабатларга киришиш имконини беради.

Президентимиз тиббиётдаги инновациялар, ёшлар академияси аъзоларининг лойиҳалари, ёшларнинг вилт касаллигига чидамли янги навларини яратиш, ген-нокаут технологияси ёрдамида картошка ва буғдой ҳосилдорлигини ошириш, Корея технологияси асосида қишда қовун етиштиришга мўлжалланган иссиқхона лойиҳалари билан танишишди. Вазирилик ахборот хизмати, кутубхона, анжуманлар залини кўздан кечирди.

Бугунги кунда Инновацион ривожланиш вазирилик томонидан илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни таъминлаш учун зарур тизим яратилди. Илмий-тадқиқот муассасалари ва олимларнинг инновацион ғоя ва лойиҳалари қўллаб-қувватланиб, қиймати 28,2 миллиард сўмлик 31 та стартап лойиҳа молиялаштирилди. Халқаро ҳамкорлик доирасида ҳозирги кунда Германия, Россия ва Беларусдаги шериклар билан 9,6 миллиард сўмлик 38 та қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда.

Вазириликка берилган ваколат ва яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш, ишланмаларни соҳа ва тармоқларга татбиқ этиш бўйича топшириқлар берилди.

Файзли хонадон — чинакам бахт ошени. Мўқим иш жойи эса доимий даромад кафолатидир. Одамларимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашига ҳар икки омилнинг ўрни муҳим. Шу боис, мамлакатимизда юритилаётган кучли ижтимоий сийёсат орқали аҳолининг айни шу эътиёбин таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Бундан бир йил олдин, 2019 йил 24 май куни Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Миллий университетини олий таълим ва илм-фан номояндари билан учрашган эди. Олим ва педагогларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, улар учун кўп қаватли уйлар қуриш бўйича кўрсатмалар берганди.

Шунга мувофиқ, Тошкентдаги Талабалар шаҳар-

гарчиликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Қурилиш ва автосаноат соҳаларига тегишли яна бир лойиҳа — импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтириладиган полиэфир шпатлёвка ва полиэфир елим ишлаб чиқариш технологияси трансфери Инновацион ривожланиш вазирилик ва Польшанинг «Novol Asia» қўшма корхонаси томонидан муваффақиятли амалга оширилди. Ўзида ўлдирувчи ва безак берувчи хусусиятларни мужассам этган ушбу шпатлёвка автомобиль саноати ва мебелсозликда қўлланилиши мумкин.

Малайзиянинг «Cy Rewards» компанияси билан ҳамкорликда жорий этилаётган арзон уйлар қуриш технологияси ҳам тақдим этилди. Бу технологиянинг афзаллиги 2-3 қаватли уйларни қисқа вақтда қуриш имконини беради. Бунда бир квадрат метр уйнинг таннаҳри уч доллар бўлади.

Вазирилик биносидаги интерактив студияда он-лайн дарслар, вебинарлар ўтказиш, видеодарслар ёзиш мумкин. Бу студия «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ёшларни ўқитиш, масофавий мулоқот орқали жойлардаги мутасаддилар малакасини оширишда ҳам қўл келади.

— Мамлакатимиз юқори технологик соҳалар бўйича дунёдан ортада қолиб кетган. Барча соҳаларни модернизация қилиш, жаҳон билан ҳамқадм бўлиш учун Инновацион ривожланиш вазириликни ташкил этиб, шундай шароитлар яратдик. Вазирилик жамоаси йил якуни бўйича бу борада аниқ амалий натижаларни кўрсатиши керак, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз видеоалоқа тизими орқали вазириликнинг Илғор технологиялар маркази мутасаддилари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз томонидан одамларни илм-фанга қизиқтириш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Вазириликнинг янги замонавий биносида бунинг учун барча шароит мўжайё. Иқтидорли ёшлар бу ерда энг сўнгги ишланма ва технологиялар билан танишиш баробарида стартап лойиҳаларда иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Бинода кенгайтирилган виртуал реаллик технологияси — NazzAR платформаси ишга туширилган. Бу технология фойдаланувчиларга қўлидаги смартфон орқали дунё объектлари билан интерфол муносабатларга киришиш имконини беради.

Президентимиз тиббиётдаги инновациялар, ёшлар академияси аъзоларининг лойиҳалари, ёшларнинг вилт касаллигига чидамли янги навларини яратиш, ген-нокаут технологияси ёрдамида картошка ва буғдой ҳосилдорлигини ошириш, Корея технологияси асосида қишда қовун етиштиришга мўлжалланган иссиқхона лойиҳалари билан танишишди. Вазирилик ахборот хизмати, кутубхона, анжуманлар залини кўздан кечирди.

Бугунги кунда Инновацион ривожланиш вазирилик томонидан илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни таъминлаш учун зарур тизим яратилди. Илмий-тадқиқот муассасалари ва олимларнинг инновацион ғоя ва лойиҳалари қўллаб-қувватланиб, қиймати 28,2 миллиард сўмлик 31 та стартап лойиҳа молиялаштирилди. Халқаро ҳамкорлик доирасида ҳозирги кунда Германия, Россия ва Беларусдаги шериклар билан 9,6 миллиард сўмлик 38 та қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда.

Вазириликка берилган ваколат ва яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш, ишланмаларни соҳа ва тармоқларга татбиқ этиш бўйича топшириқлар берилди.

Файзли хонадон — чинакам бахт ошени. Мўқим иш жойи эса доимий даромад кафолатидир. Одамларимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашига ҳар икки омилнинг ўрни муҳим. Шу боис, мамлакатимизда юритилаётган кучли ижтимоий сийёсат орқали аҳолининг айни шу эътиёбин таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Бундан бир йил олдин, 2019 йил 24 май куни Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Миллий университетини олий таълим ва илм-фан номояндари билан учрашган эди. Олим ва педагогларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, улар учун кўп қаватли уйлар қуриш бўйича кўрсатмалар берганди. Шунга мувофиқ, Тошкентдаги Талабалар шаҳар-

часи ҳудудига 6 та 9 қаватли 216 хонадонга мўлжалланган уй бунёд этилди.

Қайд этиш лозимки, ушбу кўп қаватли уйларни қуришда энг замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилган. Инновацион технологиялар асосида биноларнинг ташқи деворлари энергия тежамкор материаллар билан қопланган. Бу уйлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари, ҳар бир хонадон алоҳида иситиш мосламалари билан жиҳозланган, видеоқузув тизимига эга. Хонадонлар таъмирланган, газ плитаси, сантехника буюмлари ўрнатилган ҳолда эгаларига топширилди.

Давлатимиз раҳбари Олмазор туманига ташрифи доирасида мазкур уйларда яратилган шароитларни кўздан кечирди, хонадон эгалари билан суҳбатлашди.

— Сизларни, сизлар орқали бу ерда яшайдиган барча оилаларни табриклаймиз, мана шу ишнам, замонавий уйлар муборак бўлсин! Узим ҳам қишлоқдан келиб, 15 йил ижарада яшаган одам қиламан. Бу нарсанинг қадрини жуда яхши ҳис қиламан. Биз олим ва педагоглардан натижа кутардигу, шароитини сўрамадик. Сизларни ҳам рози қиладиган вақт-соат келди. Илми одамлар — мамлакатимизнинг олтин фонди. Уларнинг қўлида келажакимиз бўлган болаларимиз тарбияланади. Ўқитувчилар уйли бўлиб, оиласидан кўнгли тўқ бўлса, касбига меҳр билан, Ватанга садоқат билан ишлайди. Бу уйлар сизларга бюорсин, шу ерда тўлар қилинлар. Фарзандларингиз, невараларингиз ота-онам илмини танлаб қўймади, деб юрсин, — дея эзгу ниятлар билдирди Президент.

Кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар натижасида жойларда замонавий тиббий муассасалар ишга туширилмоқда.

Олмазор туманидаги «Nano Medical Clinic» кўп тармоқли тиббиёт клиникаси ана шундай субъектлардан бири.

Утган йили декабрда янги туширилган терапевтик бинодо маслаҳат поликлиникаси, 35 ўринли стационар, ядро тиббиёти, гемодиализ ва терапия бўлимлари, лаборатория жойлашган. Ушбу комплекс чет эл лойиҳаси асосида барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари бу қурилиш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир метр ердан оқилна фойдаланиб, ҳамма жиҳатлар ҳисобга олинган, бошқа объектларни лойиҳалаштиришда бунинг ўрни кераклигини таъкидлади.

Клиникада эндокринология, неврология, кардиология, офталмология, урология, оториноларингология, ультратовуш ташхиси, терапия, физиотерапия бўйича консерватив даволаш йўлга қўйилган. Шифо маскани рақамли ренгтенг, компьютер томографияси, сўяк денситометри, юрак дефибрилятор каби илғор диагностика усуналари билан жиҳозланган. Бу ерда 15 нафар олий тоифали шифокор фаолият олиб бормоқда.

Муҳим жиҳати, клиникада радионуклид текширувига асосланган ядро тиббиёти ва интервенцион радиология жорий қилинган. Бу турли эндокрин ва онкологик касалликларни аниқлаш ва даволашда катта самара беради. Ушбу йўналишлар Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) назоратида ташкил этилган. Бундан ташқари, Германия, Туркия, Россиядаги етакчи тиббий марказлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Гемодиализ бўлими сурункали буйрак етишмовчилигига олиб келиши мумкин бўлган ва бошқа ички аъзоларнинг аниқ диагностикаси ҳамда даволаш ишларини бажаради. Бўлимда гемодиализ, гемодиализация ва плазмаферез каби операциялар амалга оширилмоқда.

Клиника мутасаддилари томонидан сўяк тўқимасининг минерал зичлигини аниқлашнинг диагностика усули (Ультратовуш сўяк денситометри) ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Бу текширув орқали сўяк тизими тўлиқ ўрганлиб, остеопороз хавфи бор ёки йўқлиги аниқлаб олинади.

Денситометрия тақдим этган маълумотлар жуда қимматли бўлиб, шифокор сўяк тўқималарининг микродорий зичлигини рақамли ҳисоб-китоб орқали батафсил ўрганади.

Бугунги кунда лойиҳанинг иккинчи босқичи

доирасида уч қаватли жаррохлик биноси қурилмоқда. Бу аҳолига жаҳон стандартлари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш ва яна 60 та янги иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига хусусий тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишлар, соғлиқни сақлаш соҳасига ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш бора-бор режалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда ўша йил 29 декабрдаги «Хусусий тиббиёт ташкилотларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида»ги қарорлари бу борадаги имкониятларни кенгайттирди.

Мисол учун, хусусий клиникалар шўғуланishi мумкин бўлган ихтисослашган 50 тадан 129 тага кўпайтирилди. 2022 йил 1 январгача солиқ ва боғжона тўловлари бўйича имтиёзлар берилди.

Натижада 2017 йилда хусусий тиббиёт муассасалари 3 минг 454 тани ташкил қилган бўлса, жорий йил 1 июнь ҳолатига кўра, 5 минг 612 тага етган. 11 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган.

Худудларда замонавий клиникалар ташкил этиб, тиббий хизматлар бўйича рақобатни, пировардда сифатни таъминлаш, аҳоли саломатлигини муштахкамлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Олмазор туманидаги «ARDENT FOODS» масъулияти чекланган жамият корхонасида бўлди.

Бу ширкат бўш турган бинолар негизда янги субъектлар ташкил этиш ва иш ўринлари яратишга қаратилган сийёсат самараси.

Лойиҳа қиймати 77 миллиард сўмдан зиёд бўлган корхона иккита линиядан иборат. Бирида йигирма яқин турдаги қандолат маҳсулотлари, иккинчисида тез пишиданган овқат ингредиентлари ишлаб чиқарилмоқда. 150 киши иш билан таъминланган.

Ҳозирги кунда маҳсулотлар Тожикистон ва Афғонистонга экспорт қилинади. Янги экспорт борзорларини очиб, жорий йил якунида экспорт ҳажми 45 минг долларга етказиш режалаштирилган.

Маҳсулотлар турини кўпайтириб, қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Олмазор туманидаги «Next Generation Product» қўшма корхонаси фаолияти билан ҳам танишиди.

Бу ерда «Royal» савдо белгиси остида йилига 460 минг дон электр ва қуёш энергияси асосида ишловчи сув иситиш усунаси, Германиянинг «Viessmann» бренди остида 75 минг дон сув иситиш қозони ишлаб чиқарилади. Корхонада жами 530 киши иш ўрни билан таъминланган.

Маҳсулотлар Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда.

Пандемия шароитига қарамай корхонада ишлаб чиқариш суръати пасайгани йўқ. Январ-май ойларида 1,8 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Йил якунигача кўрсаткичи 7 миллион долларга етказиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбарига шу ерда истиқболдаги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Президентимиз маҳсулотлар турини кўпайтириб, қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев мутасадди раҳбарлар иштирокида Олмазор тумани фаоллари, нуронийлар билан учрашув ўтказди.

— Охири уч йилда Олмазорга тўртинчи марта келаямиз. Туманда ўзгариш бўлмаяпти, одамлар манфаат кўраётгани, нима муаммолар бор, деган саволлар мени қўйнайди. Бугун натижаларни таҳлил қилиб, сизлар билан бамаънафат янги йўналишлар ва режаларни белгилаб олишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Туманда камбағалликни қисқартириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Уйма-уй юриш орқали Олмазорда 3 минг 23 та ёрдамга муҳтож оила борлиги аниқланган. Шундан 568 оила аззоси ишга жойлаштирилиб, ёрдамга муҳтожлар тоифасидан чиқарилди. Бош вазири ўринбосари қолган 2 минг 455 оилани йил охиригача камбағалликдан олиб чиқиш бўйича ҳисобот берди.

Жорий йилда қиймати 3 триллион сўм бўлган 48 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиши режалаштирилган. Бош вазири ўринбосари тўлиқ ишлатилаётган 12 та давлат объект ва илгари хусусийлаштирилиб, ҳозир бўш турган 97 та бино ва ер майдонлари негизда янги корхоналарни ташкил этиш бўйича лойиҳа тақлифларини тақдимот қилди.

Давлатимиз раҳбари янги лойиҳалар учун имкониятларни кенгайтириш мақсадида Тошкент туманининг Олмазорга яқин ҳудудидан 200 гектар ер ажратиб, янги саноат зонаси барпо этишни тақлиф қилди. У ерда ташкил этиладиган корхоналарда камида 60 мингта янги иш ўрни яратиш мумкин бўлади.

«Чорсу бозори», Зарқайнар, Сағбон, Себзор, Қорасарой, Гузалбоғ ва бошқа кўча-маҳалларда, жами 482 гектар майдонда замонавий туристик, савдо ва дам олиш маскани — «очиқ осмон остидаги музей» барпо этилади. Бу ерда хунармандчилик дўконлари ва расталари, чойхона ва меҳмонхоналар, кичик музейлар ташкил этилади.

«Агрегат» заводини Чирчиққа кўчирган ҳолда, унинг ҳудудига Олмазор аҳолиси учун 12-14-қаavatли арзон уйлар қуриш, Тошкент туманида Олмазорга яқин ҳудудда 260 гектар ерда 150 минг аҳолига мўлжалланган йўлдош шаҳарча барпо этиш бўйича топшириқлар берилди.

Жамоатчилик вакиллари туманда амалга оширилаётган ишлар бўйича фикр ва тақлифларини билдирди.

Матназар ЭЛМУРОҚОВ,
Зиёдулла ЖУНИЕВОВ,
УА мухбирлари

Онлайн видеоконференцияда бугуннинг вазифалари таҳлил қилинди

Очиқ мулоқотда Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов иштирокчиларни 12 июнь – Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш куни билан самимий табриқлаб, пандемия шароитида ходимларни ижтимоий ғимоя қилиш ва уларга муносиб меҳнат шартлоларини яратиш масалаларига тўхталиб ўтди.

Мазкур масалалар шахсан муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг доимий диққат эътиборида эканини алоҳида таъкидламоқчиман, – деди Қудратилла Рафиқов ўз сўзида. – Шахсан Президентимиз ташаббуси билан пандемиянинг иқтисодий таъсирини юмшатишга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, уларга асосан 540 мингта оилага 307 миллиард сўмлик кўмак берилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига тўхталар экан, Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раиси ХМТнинг 100 йиллик Меҳнат соҳаси истиқболлари тўғрисидаги Декларациясида халқаро меҳнат нормаларини ратификация қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш белгилаб қўйилгани, ҳудди шунга ҳамроҳан тарзда ўтган йилда Ўзбекистон томонидан ХМТнинг 3 та Конвенцияси ратификация қилинганини алоҳида қайд этди. Бундан ташқари, жорий йилнинг март ойидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Касаб уюшмалари тўғрисида»ги қонуни ХМТ стандартлари, жумладан, ХМТнинг 87-Конвенцияси талабларига уйғунлаштирилгани, 2019 йилда республика ва минтақалар миқёсида тузилган Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар ҳам ўз ишени бошлагани таъкидлаб ўтилди.

Пандемия шароитида Ўзбекистон касаб уюшмалари ҳам ижтимоий шериклар билан ҳамкорликда меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ғимоясини таъминлаш ҳамда муносиб меҳнат шартлоларини яратиш борасида тизимли ишларни амалга оширомоқда, – деди Қудратилла Рафиқов ўз сўзини давом эттирар экан. – Аввало, Ўзбекистон Президентини ташаббуси билан ташкил этилган Инқирозга қарши курашиш Республика комиссияси тарихига Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси вакилининг киритилиши натижасида ушбу жараёнда меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлиқ инobatта олинмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, пандемия даврида Федерациянинг «Қудратимиз – бирликда, биз ғалаба қозонамиз!» шиори остидаги Мурожати барча ватандошлар, меҳнаткашлар, фахрийлар, аёллар ва ёшларга йўлланди.

Коронавирус пандемияси даврида меҳнат муносабатлари бўйича касаб уюшмаларининг тавсиялари ишлаб чиқилди, ходимларни масофавий иш усулида, мосланувчан иш графикада ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби жорий қилинди. Карантин чекловлари юмшатилаётгани муносабати билан корхоналарда хавфсиз меҳнат шартлолари яратилиши ва ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши касаб уюшмаларининг жамоатчилик назоратига олинди.

Жамоатчилик назорати тартибиде, 2 минг 527 та объектда ишловчи қарийб 182 минг нафар ходимнинг меҳнат шартлолари ўрнатилади. Натижада меҳнат ва дам олиш шартлолари етарли бўлмаган, махсус кийим билан таъминланмаган, ғимоя ниқоби ва антисептик воситалар мавжуд бўлмаган ҳолатлар аниқланган ҳолларда, камчиликларнинг жойида бартираф этилиши таъминланди. Пандемия шароитида Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ҳам бугунги кунда меҳнат соҳасидаги уч томонлама шерикликнинг жуда ҳам долзарб аҳамиятга эга эканини қайд этиб ўтди.

Ўз навбатида, Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер ҳам Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунинида мазкур видеоконференция шаклида онлайн мулоқот ташкил этилганидан мамнун эканини билдириб, болалар меҳнатига йўл қўймастик бўйича

Ўзбекистондаги уч томонлама ҳамкорлар билан биргаликда диққатга сазовор ютуқларга эришилганини алоҳида таъкидлади. Бунда Президент Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган сиёсатнинг улкан аҳамиятга эга экани, бунинг натижасида Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганини эътироф этди.

Бундан ташқари, пандемиянинг жаҳон миқёсида иқтисодий таъсирини ўтказганини, Ўзбекистон раҳбарияти пандемия шароитида ҳам аҳоли ижтимоий ғимоясини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётгани, тизимли ишлар амалга ошираётганини алоҳида қайд этди. Айни кунда Ўзбекистон билан биргаликда олиб борилаётган ҳамкорлик йўналишлари, муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини давом эттириш, шу мақсадда янги дастур ишлаб чиқиш устида иш олиб борилаётгани, ХМТ Конвенцияларини ратификация қилиш йўналишидаги ишларни давом эттириш борасидаги фикрларини билдирди. Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ҳам бугунги кунда меҳнат соҳасидаги уч томонлама шерикликнинг жуда ҳам долзарб аҳамиятга эга эканини қайд этиб ўтди.

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

Мамлакатимизда эътиқод эркинлиги (Конституцияимизнинг 32-моддасида қайд этилганидек) кафолатланяптими? Одамлар хоҳлаган динга эътиқод қилишяптими ёки аксинча – ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгами? Диний қарашлар мажбуран сингдирилмаяптими?

Майк Помпео: «Ўзбекистонда диний вазият – яхши»

Реал воқелик қандай? Бу борада жаҳонда турли, бир-бирига қарама-қарши фикрлар интернет сайтларида, ижтимоий тармоқларда «сузиб» юрган бўлса-да, ҳақиқий вазият билан яқиндан танишганлар мамлакатимиздаги диний вазиятга ҳаққоний баҳо беришяпти.

Сўз – исботи билан. Жорий йилнинг 2 февраль кунини мамлакатимизга ташриф буюрган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Майк Помпео юртимиздаги диний вазиятни ўз кўзи билан кўриб, диний эркинликка доир ҳолат ижобий томонга кескин ўзгарганини эътироф этди. Бу йилда Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган саъй-ҳаракатларини олқишлади.

Майк Помпео АҚШ Давлат департаментига тақдим этилган ушбу мавзуга доир ҳисоботи муҳокамасига бағишланган матбуот анжуманида «Ўзбекистонда диний эркинлик билан боғлиқ вазиятни яхшилаш бўйича дадил қадамлар қўйилди, республиканинг бу борадаги амалий ишлари рўйхати кенгаймоқда ва айни йўналишдаги интилишлари давом этмоқда», деди.

Помпеонинг таъкидлашича, АҚШнинг диний эркинликлар бўйича йиллик ҳисоботида Ўзбекистонда 2019 йил давомида диний ташкилотларга қарши бирорта ҳам рейд ўтказилмагани эътироф этилган. Ваҳоланки, бундай ҳаракатлар 2018 йилда 114 та, 2017 йилда эса 240 та иш ташкил этган.

Эслатиш жоизки, АҚШ Давлат котиби жорий йил бошида мамлакатимизга ташрифи чоғида диний арбоблар билан учрашиб, мулоқотлар ўтказган.

Аслида, мамлакатимизда диний эркинликнинг тамал тоши сал олдинроқ, аникроғи, Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида сайланган пайтда қўйилган эди десак, тўғрироқ бўлади.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида «Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни эъзоровлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Ислам дини бизни эзулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади», дея таъкидлади.

Ҳақиқат қиёсада билинади, деган гап бор. Узоққа бормайлик – ҳали совиб улгурмаган бир хабар: Термиз шаҳрида янги «Имом Термизий» ўрта махсус ислом таълим муассасаси фойдалиги йўлга қўйилди. Шу билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидеги ўрта махсус мадрасалар сони ўнтага етди. Олий мадрасалар учта.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 10 та янги жоме масжиди очилиб, шу билан масжидлар сони 2070 тага яқинлашди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги ислом цивилизация маркази, Тасаввуф, Фикҳ, Ақида мактаблари ҳақида эса тўхталиб ўтирмаймиз.

Ислам дини азалдан инсоният орасида меҳр-муруватни тарғиб этишини, ҳатто ўза дин вакилларига ҳам эҳтиром ҳамда бағрикенглик билан муносабатда бўлишда ибрат ва намуна эканини ҳеч ким инкор эта олмайди. Ислам барча самовий динларни шунчаки

хурмат қилиш билан чекланмай, барча дин вакиллари билан тинч-тотув яшашга, фитна ва турли адоватларга барҳам беришга ҳақиқатда.

Куръони Каримда, хусусан, эллиқдан зиёд сураларнинг юзлаб оятларида мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бошқа эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилган.

Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайҳи васаллам ҳам бағрикенглик тамойилига амал қилганлар. У зот ўза юрт ва дин вакиллари, яъни Хабашистондан келган насроний меҳмонларни масжидларига тақлиф қилиб, «Улар бизнинг дўстларимизни хурмат қилган эдилар. Мен ҳам уларни иззат-икром қилишни хуш кўраман», деб шахсан ўзлари уларга хизмат қилганлари тарихдан маълум.

Бир неча ҳадисларда инсоннинг қайси динга мансублигидан қатъи назар, аввало, одамийлик жиҳатидан хурмат қилиш лозимлиги таъкидланади. Жумладан, Абдурахмон Абу Лайло ривоят қиладилар: «Саҳл ибн Наниф ва Қайс ибн Саъд Қодисида ўтиришган эди, ёнларидан бир майитнинг тобутини кўтариб ўтдилар. Шунда икковлари ўринларидан туришди. Буни кўрганлар улардан «Бу майит зиммийларданми?» деди. Шунда улар бундай деб жавоб қилдилар: «Бир кун Расулulloҳнинг ёнларидан бир майитнинг тобутини кўтариб ўтиб қолишди. Шунда у зот ўринларидан туриди. Кейин унинг гаирдин эканини айтишди. Расулulloҳ «У руҳ эмасми?!» – дедилар.

Пайғамбаримизнинг ана шу олий ибрати асрлар оша амалда бўлиб келди. Фарблик диншунос олим Марк Сайс Ҳорун Рашид давридаги бағрикенгликни бундай изоҳлаган: «Масхўйлар, бутпарастлар, яҳудийлар ва мусулмонлар баб-баробар ҳукумат ишларида ишлар эди».

Маъмур ўзи асос солган академияга турли дин ва мазҳаб соҳибларидан бўлган олимларни тўплаган. У «Илдан нимани хоҳласангиз, баҳс қилаверинглар, фақат тоифачилик келиб чиқмаса бўлди», деган.

Бу аъна Анвар Темир даврида ҳам давом этганини яхши биламиз.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистоннинг йиллар давомида динлараро бағрикенглик ўлкаси сифатида эътироф этилади. Қадимдан диёримизда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, яҳудийлик, ислом ёнма-ён яшаб келган, масжид, черков, синагогалар фойдалиги юритган. Турли дин вакиллари ўз диний амалларини эмин-эркин адо этишган. Ватанимиз тарихини варақласак, ўтмишимизда диний асосда можаролар бўлмаганига гувоҳ бўламиз.

Кейинги йилларда аждодларимиздан қолган бой маънавий аъна – диний бағрикенглик янада кенг қулоч ёйди. Мамлакатимизда динимизнинг бағрикенглик тамойилига оғишмай амал қилинаётганини расман рўйхатдан ўтган 16 та конфессия фойдалиги юритаётгани ҳам таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Ислам – бағри кенглик дини. Унинг асли моҳиятида эъзоровлик эмас, адолат, разолат эмас, тараққиёт, хиёнат эмас, садоқат, фалокат эмас, саодат, ҳалокат эмас, наҳот муҳассам. Буни мамлакатимиз мисолида бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Толибжон НИЗОМ, журналист



Барча қулайлик муҳайё

Зомин тумани давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

– Ушбу бино Зомин шаҳарчасининг одамлар келиб қетиши учун қулай жойда барпо этилди, – дейди давлат хизматлари агентлиги Жиззах вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Ҳасимжон Фозилов. – Марказга кираришда электрон наубат, инфокиоск, кутубхона, болалар майдончалари ташкил этилган. Янги бинода аҳолига хизмат кўрсатиш сифати янада ошиб, бу кўрсаткичлар сони икки баробарга ошиши кўзда тутилган.

Аҳолига қулай бўлиши учун жорий йилда

ДХМнинг Даштотоб филиали ҳам фаолиятини бошлади. Бинода давлат хизматлари марказидан ташқари, Президентнинг Халқ қабулхонаси, Бош вазир қабулхонаси, инвесторларга хизмат кўрсатиш учун махсус жой ҳозирланган.

Фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш бурчаги, кутубхона, болалар майдончаси, кафе, кутубхона, тиббиёт хонаси, Е-аукцион хонаси мавжуд. Ушбу марказ биноси давлат-хусусий шерикчилик асосида қурилиб фойдаланишга топширилди.

Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида туман давлат хизматлари маркази орқали аҳоли

ва тадбиркорлик субъектларига 6 минг 74 та хизмат кўрсатилди. 164 минг нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилаётган туманда иқтисодиётнинг барча тармоқлари жадал ривожланаётгани натижасида давлат хизматларига бўлган талаб ҳам ортиб бораётган.

Ҳозиргача вилоятнинг 5 та тумани давлат хизмати маркази шундай замонавий бинога эга бўлди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»

Ишчи гуруҳи – Тошкентда: КАТТА ШАҲАРДАГИ КАТТА МУАММОЛАР

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, пойтахтдаги аёлларнинг ижтимоий шарт-шароити ҳавас қилгулик эмас. Биргина Олмазор туманидаги 58 та маҳаллада 443 нафар хотин-қиз оғир турмуш шароитида яшамоқда. Оилавий ажримлар сони 942 та, ажрим ёқасига келиб қолган оилалар сони эса 98 та.

Тахлиллар шуни кўрсатдики, ажримларга оилавий келишмовчиликлар, бераданда юқори. Рақамларга тўхталадиган бўлсак, профилактика ва тарғибот тадбирлари натижасида 2017-2019 йилларда тумандаги хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 6 тадан 3 тага, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи аёллар 25 нафардан 15 нафарга, спиртли ичимликларга ружу қўйганлар 48 тадан 42 тага камайишига эришилган. Шу билан бирга, ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатлари деярли ўзгарисиз қолмоқда. 2018 йилда туманда 3 та ўз жонига қасд ва 3 та суиқасд, 2019 йилда 2 та ўз жонига қасд ва 3 та суиқасд, жорий йилнинг шу даврига қадар 1 та ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари қайд этилган. 56 нафар аёл таъйиқ ва эъзоровликдан жабр кўрган.

Оила ва жамиятда ўз ўрнига эга, турли таъйиқларга учрамаган, бирламчи ижтимоий яшаш шароитига эга аёлнинг жиноятга қўл уриши – қийин масала...

Муҳтожлик ҳар кимни ҳар кўйга солади. Шунинг учун Ишчи гуруҳининг бош мақсади, энг аввало, аёллар бандлигини таъминлашдан иборат.

Афсуски, бугунги кунда туманда 673 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланмаган. Туман бандликка кўмаклашиш маркази тақдим этган маълумотларга қараганда, айни пайтда 572 та бўш иш ўрни мавжуд...

Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган амалий ишлар ва тиббий-репродуктив тарғиботлар натижасида ўтган йил ва жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар оналар ўлими ҳамда эрта туғуруқ ҳолатлари қайд этилмаган. Аммо гўдақлар ўлими сони сўнгги йилларда 38 тадан 43 тага ортган.

Мухтасар айтганда, ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, пойтахтдаги аёлларнинг ижтимоий шарт-шароити ҳавас қилгулик эмас. Демак, уларнинг ижтимоий аҳолини яхшилаш учун барча мутасаддилар бир ёқадан бош чиқариб, ўзаро ҳам-жиҳатликда иш кўриши жоиз. Акс ҳолда, вазият бундан-да оғирлашиши мумкин.

Ғулломжон МИРАҲМЕДОВ, «ISHONCH»

ОЛМАЗОР ТУМАНИДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ, УЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МАНЗИЛЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ЮЗАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ИШ ЎРИНЛАРИ

МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ҲОЛАТ			
№	Кўрсаткичлар	Жами (миң киши)	Шундан аёллар
1	Меҳнат ресурслари сони	202 947	101 320
2	Иқтисодий фаол аҳоли сони	140 353	70 120
3	Банд аҳоли сони	129 688	57 068
4	Иқтисодий расмий секторда	90 868	45 013
5	Иқтисодиётнинг норасмий секториде	38 820	18 042
Ишсизлар сони		1 414	673




2020 йилда Олмазор туманида хотин-қизларни иш билан таъминлаш ПАРАМЕТРЛАРИ						
№	Ишсиз хотин-қизлар сони	Ишга жойлаштирилган хотин-қизлар	Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган аёллар	Субсидия ажратилган хотин-қизлар	Касбга ўқитилган хотин-қизлар	Ўзини ўзи банд қилиш аёллар
1	673	103	180	68	32	6

Жиззах вилояти

Зомин тоғлари бағрида унутилмас ҳордиқ

Жорий йилда «Сардоба» сув омборида юзага келган техноген ҳолатидан зарар кўрган оилаларнинг 1700 нафарга яқин фарзанди ёзги таътилни сўлим Зомин тоғ бағирларида ўтказди.



Айни вақтда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси тақдим этган бепул йўлланмага эга бўлган бир гуруҳ сирдарёлик болажонларни «Зомин», «Эне-ржи», «Истиклол», «Зомин Санрайз», «Зомин болалар оромгоҳи» оромгоҳи ўз кучоғига олди. Уларнинг мазмуни ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яра-

тилган. Пандемия сабабли барча соғломлаштириш оромгоҳларидаги ходимлар карантин қоидаларида кўрсатилган талаблар асосида ўқитилди. Ҳар бир бола ва ходим ўртасида ижтимоий масофани сақлаган ҳолда ишни ташкил этиш вазифаси юклатилди. Оромгоҳ ҳудудига кириш-чиқиш жойларида тегишли мутахассислар дезинфекция ишларини амалга оширмоқда.

– Сардобадаги сув тошқинидан зарар кўрган оилаларнинг 112 нафар фарзанди ўн кун давомида оромгоҳимизда дам олади, – дейди «Зомин» болалар оромгоҳи директори Маҳбуба Шукурова. – Бу ерга жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар ходимлари бириктирилган. Мавсум давомида кеча-ю кундуз навбатчилик ташкил этилган.

Оромгоҳларда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш учун барча зарурий чоралар кўрилган. Хоналарни дезинфекциялаш, гигиеник воситалар билан таъминлаш билан бир қаторда озик-овқат хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари, жалб



этилаётган ходимлар ва қабул қилинаётган ҳар бир боланинг тиббий кўриқдан ўтказилгани, мавсум пайтида уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш ишлари доимий назоратга олинган.

– Озик-овқат, сут, гўшт, тухум каби тез айнийдиган маҳсулотларни олиб келиш учун махсус автомашиналар ажратилган, – дейди Зомин тумани давлат санитария эпидемиология назорат бўлими мутахассиси Нурулло Тоштемиров. – Бундан ташқари, овқатланиш, ювениш хоналарининг санитария

ҳолати ҳам назоратда.

– Автобуста келгунча катта тоғлари кўриб ҳайратландим, – дейди Сардоба туманидаги 22-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Зебо Бобоева. – Олдинлари ёзни ота-онамга ёрдамлашиб ўтказар эдим. Биринчи бор оромгоҳда дам олмақдаман. Менинг ҳаётимда бу йил унутилмас бўлиб қолади.

Мўқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»



Фарғона вилояти

Коронавирус пандемияси туфайли маълум вақт фаолиятини тўхтатган «Чимён» сиҳатгоҳи июнь ойининг дастлабки кунларидан ўз фаолиятини қайта тиклади. Карантин талаблари юмшатилаётган, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги мазкур сўлим гўша барча дам олувчиларга ўз эшикларини очди. Сиҳатгоҳ карантин талабларига риоя қилинган ҳолда фаолият юритмоқда. Ётоқ бинолари, даволаниш ва муолажа хоналари, умуман, бутун ҳудудда мунтазам равишда дезинфекциялаш ишлари амалга оширилмоқда.

Юртимиз сиҳатгоҳларида

«ЧИМЁН» – ЯХШИ ТАНЛОВ

– Бугунги вазият ҳар биримиздан оғоҳ бўлишни талаб қилмоқда, – дейди санитария директорининг даволан ишлари бўйича ўринбосари Лазоқат Боймирозоева. – Пандемия шароитида масъулият янада ортди. Буни яхши англаган ходимлар ишга карантин талаблари асосида ёндашмоқда.

Сиҳатгоҳга илк ташриф буюрувчилар Республика ишчи гуруҳининг тасвирига биноан соғломлаштирилиши режалаштирилган Тошлоқ ва Кува туманларидан келган аёллар бўлди. Айни пайтда бетакрор табиат кўйида жойлашган сиҳатгоҳда 12 нафар тошлоқлик, 7 нафар қувалик аёл бепул даволанмоқда.

– Республика ишчи гуруҳи туманимизга хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганишга келганига даволанишга зарурат борлигини айтган эдим. Шунда ишчи гуруҳ вакиллари саломатлигини тиклаш учун санитарияда даволанишимга бепул йўлланма беришди, – дейди тошлоқлик Гүлчехраҳон Шокирова. – Мана, ҳозир сўлим гўшада дам олиб, даволаняман. Бу ерда бизни ширинсухан санаторий ходимлари кутиб олишди. Озода ва шинам хоналарга жойлаштиришди. Яратилган шароит аъло даражада. Муолажаларни олиб, кундан-кунга тетик бўлиб бораётишимиз.

Нафақага чиққунга қадар Тошлоқ тумани туғруқ комплексида фаррош бўлиб ишлаган Дилбархон Ўлмасованинг нијати ишчи гуруҳнинг ўрганишлари давомида ушалди. Унга ҳам сиҳатгоҳда даволаниши учун бепул йўлланма берилди.

– Бепул йўлланма асосида мазкур сиҳатгоҳда саломатлигини мустаҳкамлаётган, – дейди Дилбархон Ўлмасова. – Бу ерга келишдан олдин коронавирусга қарши тест текширувидан ўтдим. Текширув ортиқча оврагарчиликсиз, бепул амалга оширилди. Айни пайтда муолажаларни олишни бошладим. Очиги, шу ёшгача бирор марта сиҳатгоҳга бормаган эдим. Ишчи гуруҳнинг шарофати билан мана шундай ажойиб гўшада дам олаётганимдан бағоят хурсандман. Кескалари қадрланган юртда, эъзоз-у ҳурмат топиб яшаётганимиз биз учун энг катта бахт.

Эътироф этиш жоизки, дам олиш ва даволаниш масканида дам олувчиларга 24 нафар малакали олий тоифали шифокор, 134 нафар тиббиёт ҳамшираси хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда яратилган шароит энг «инжиқ» дам олувчиларга ҳам манзур келиши тайин.

Мўҳаббат Тўрабоева, «ISHONCH»

Жамшид Эргашев, «ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

Фаолият

Сўнги кунларда Муборак туманида 28 нафар кишининг коронавирус инфекцияси билан касаллангани ҳақида хабарлар тарқалди. Хўш, бу қандай содир бўлди?

Муборак – «қизил ҳудуд»

Касаба уюшмалари нималар билан банд?

Маълум бўлишича, Муборак туманидаги карантин муассасасида бўлган бир туркиялик ва 28 нафар қозғистонлик фуқаро коронавирусга чалинган. Чартер рейс билан юртимизга келган хорижликлар қондага кўра, тумандаги карантин муассасасига жойлаштирилган ва улардан олинган таҳлил натижалари бу фуқароларда тожиксимон вирус аломатлари борлигини кўрсатган.

– Хорижий корхонада Ўзбекистонликлар ҳам ишлайди. Аммо хорижликлар зудлик билан карантинга олингани боис касаллик бошқаларга юққани йўқ, – дейди Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот котиби Нуриддин Эгамов.

Таълим, фан ва маданият ходимлари Муборак тумани кенгаши пандемия даврида 16 нафар ногирон ва 16 нафар чин етимга бир миллион 440 минг сўмлик ўқув қуроллари тақдим этди. Бундан ташқари, кенгаш тизимидаги ходимларга 3 миллион сўмлик тиббий ниқоб бепул тарқатилди.

Ёзги соғломлаштириш мавсумида му-

бораклик 35 нафар болага «Зиё чашмалари» оромгоҳида соғломлаштириш учун йўлланмалар тарқатилди.

500 нафарга яқин ходим ишлайдиган «Муборак иссиқлик электр маркази» акциядорлик жамиятида ҳам ходимлар орасида коронавирус инфекциясидан сақланиш учун изчил чора-тадбирлар амалга татиқ этилмоқда. Жумладан, касба уюшма кўмитаси ишчи-ҳодимларга 3 миллион 400 минг сўмлик тиббий ҳимоя ниқобларини бепул тарқатди. Кам таъминланган ва нафақадаги ходимларга эса беш миллион сўмлик озик-овқат маҳсулотлари олиб берилди.

Иш берувчи ва касба уюшма кўмитаси ижтимоий шериклик асосида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам бериш баробарида иш унумдорлигини пасайтирмасликка ҳаракат қилмоқда. Бу эса қўтилган натижани бераётир.

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»



Хоразм вилояти

Таассуф

Оромгоҳ бу йил ишлайдими?

Хоразм вилоятида бу йил 18 та оромгоҳ фаолият кўрсатиши, уларда 6010 нафар бола соғломлаштирилиши белгиланган. Оромгоҳларда мавсумга тайёргарлик ишларининг аҳволи билан танишиш мақсадида ўтган йили намунали фаолият кўрсатган «Ғайрат энергиячи» оромгоҳида бўлдик. Хонқа туманидаги Қирққеп қишлоғида жойлашган ушбу оромгоҳ «Хоразм ҳудудий электр тармоқлари» АЖга қарашли. Сўлим гўшада бу йил 320 нафар болани дам олдириш режалаштирилган.

Маълум бўлишича, оромгоҳни мавсумга тайёрлаш 10 июндан бошланаётган экан. Оромгоҳга ҳали раҳбар тайинланмаган, ходимлар ҳам ишга жалб қилинмаган. Сутур-сидир, таъмирлаш ишларини «Хоразм ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ходимлари бажармоқда (?). Бу ердаги ишларга бошчилик қилаётган АЖ мутасадди ходими билан суҳбатлашганимизда, оромгоҳ ҳозирда АЖга қарамаслигини, тадбиркорга сотилганини маълум қилди. Айнан қайси тадбиркорга сотилгани ҳақидаги саволимизга жавобан анигини ҳуқуқшунос билишчи айтиб, унинг телефон рақамини берди. Ҳуқуқшуноснинг телефон орқали билдиришича, оромгоҳ ҳали ҳеч кимга сотилмаган, аммо аукционга қўйилган

бўлиб, шартнома имзоланиш арафасида.

Амалдаги тартиб-қоидаларда болалар оромгоҳларининг сотилиши ва бошқа ташкилотлар иштироғига ўтказиб юборилиши масалалари вилоят ҳокимлиги ва касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари розиликсиз амалга оширилмаслиги, мавсум давомида болалар оромгоҳларининг сабабсиз равишда етилишига йўл қўйилмаслиги, аввал сотилган ва бошқа ташкилотлар иштироғига ўтказиб юборилган болалар оромгоҳларидан фақатгина оромгоҳ сифатида фойдаланиш мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шу боис «Хоразм ҳудудий электр тармоқлари» АЖ раҳбарияти 2019 йил 11 ноябрдаги 3190-сонли хатида Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига оромгоҳ сотувга қўйилганини маълум қилган. Аммо оромгоҳни сотишга розилик берилмаган.

Шундай бўлса-да, «Хоразм ҳудудий электр тармоқлари» АЖ жорий йилги ёзги мавсумда оромгоҳ фаолият кўрсатмаслиги тўғрисида на вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳига, на вилоят ҳокимлигига, на касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ҳеч қандай билдирги тақдим қилмаган.

3 июнь кунги Хоразм вило-



яти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси оромгоҳда мавсумга тайёргарлик ишлари бошланганини хусусида вилоят ҳокимига мурожаат этган эди. Бу



оромгоҳда 10 июндан тайёргарлик ишларининг бошланганига сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Аммо бу оромгоҳ фаолият кўрсатиши еки йўқ, деган саволга тўлиқ жавоб беролмайди. Пандемия шароитида уйда ўтириб зериккан болажонларнинг таътилни сўлим гўшада, тоза ҳаводан баҳра олиб ўтказиш имконияти наҳотки ҳавога совурилса?! Бунга мутасаддиларнинг жавоби қандай?

Мўҳаббат Тўрабоева, «ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Эъзоз топаётган аёллар

Самарқанд вилоятида ҳам аёлларнинг ҳаётини, оилавий муаммолари чуқур ўрганилиб, улар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Хусусан, ана шундай ишлар самарасида нурубодлик аёллар эътибор нелигини, эъзоз нелигини чуқурроқ англаб етмоқда.

Тумандаги учрашувларда ишчи гуруҳга 30 нафар хотин-қиз ҳамон таппи-тезақда, ўчоқ бошида қора куйа беланаётганини қисиниб-қимтиниб баён этган эди. Бугун уларнинг орзулари ушалди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, камҳарж, ногиронлиги бўлган аёллар хонадонига касба уюшмалари ҳисобидан замонавий русумдаги газ плиталари етказиб берилди.



– Рости, қўлимиз калта. Ишчи гуруҳ уйимизга келиб, ҳол сўраганида эҳтиёж-имизни айтгандик, – дейди Нурубод

туманидаги «Кечкелдик» маҳалласида яшовчи Лайло Тошева. – Аммо хонадонимизга келтириб беришларини

сира кутмаган эдик. Жомбойда ҳам бир гуруҳ аёлларнинг маиший ва кундалик зарурат воси-

таларига муҳтожлиги аниқланган эди. Бу ҳудуддаги хотин-қизлар билан яна бир бор мулоқот қилишга, турмуш тарзи билан танишишга Самарқанд вилояти касба уюшмалари бирлашмаси раиси Сўҳроб Рафиқов, вилоят кенгаши депутatlари Уктам Саидмуродов ва Ҳайдар Ўроқов отланишди.

Ўрганишлар натижасида тумандаги хотин-қизлар муаммолари манзилли дастур асосида ҳал этишга киришилган. Етказиб берилган тикув машинасида тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборганлар, имтиёзли кредит фойдасидан баҳраманд бўлаётганлар кўп. Жамоат фаоллари айнан рўзғорда камчилик кўрган хонадонларда бўлишди.

– Депутатлар билан ҳамкорликда ўттиз нафар хотин-қизга маиший техника воситалари, тикув машиналари топширилди, – дейди Самарқанд вилояти касба уюшмалари бирлашмаси раиси Сўҳроб Рафиқов. – Бир оилада болалар оддий телевизор кўриш имконига эга эмаслигини аниқлаб, уларга телевизор туфҳа этилди. Туман мутасаддилари билан ишлаш истагида бўлган хотин-қизларни иш билан таъмин-

Касаба уюшма кўмаги

лаш масаласини муҳокама этдик. Туманда аёлларни тўлиқ фойдали ишга жалб этиш имконияти бор.

Қурилиш маҳсулотлари юкланган автокорвон Ургутдаги қатор маҳалаларни айланиб, эҳтиёжманд оилаларга шифер-ёғоч етказиб берди. Касаба уюшма вакиллари назоратида, маҳаллий ҳокимлик кўмағида бу хонадонларни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

– Уй қурганимизга анча йил бўлса-да, ҳали шиферлаш имконини топганимиз йўқ эди, – дейди Ургут туманидаги «Қорабулоқ» маҳалласида яшовчи Комила Норматова. – Касаба уюшмалари шифер, ёғоч етказиб берди. Маҳалла кўмағида уйимизда усталар иш бошлади.

Аёли эътиборда, аёли эъзозда бўлган миллатнинг келажаги ёрқиндир. Нурили истиқболга мана шу тахлитда замин яратилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»



Шу йил бошида хорижий ОАВлари Ўзбекистон-Тожикистон чегарасидаги бундан йигирма йиллар илгари шароит тақозосига кўра миналаштирилган маълум ҳудуд хавфдан тозалангани эълон қилди.



ПОРТЛАМАГАН МИНАЛАР

ёхуд эт билан тирноқ орасидаги тиконнинг бартараф этилиши

Воқеани жойида ўрганган журналистлар бу ҳодисага сабаб қилиб кейинги йилларда Ўзбекистонда ташқи ва ички сиёсатнинг ижобий томонга ўзгариши, хусусан, ён қўшиллар билан алоқаларнинг иқлишашаётгани ва бу, ҳеч шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёевнинг инсонпарвар сиёсати маҳсули эканини эътироф этишган эди.

Шундан сал ўтиб, таниқли ёзувчи ва публицист Шойим Бўтаев ҳам Тожикистоннинг чегараолди қишлоқларида бўлиб, ситамгар тарих ва бугунги кун ҳақида ҳикоя қилувчи ихчамгина публицистик асар ёзди. Куйида шу мақолани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ЧЕГАРАДА НИМА ГАП?

2001 йил 28 февралда Тожикистоннинг «Ленинбод ҳақиқати» газетасида Ҳ.Мелибоев имзоси билан ана шу рукда «Эҳтиёт бўлинг, азизлар!» деб номланган каттагина мақола эълон қилинади. У куйидагича бошланади: «Тожикистон ва Ўзбекистон жумҳуриятлари орасидаги чегара минтақаларидан тарқалаётган хабарлар: мина портлашлари оқибатида ҳалок бўлганлар ва ярадор бўлаётганларнинг кулфатли рўйхати ўсиб бормоқда. Исфара, Ашт, Панжакент, Ҳатрепа, Ғончи яна Исфара... Биргина Исфара районидега кейинги ярим йилда беш ёки олти марта фожиа юз берди. Бир неча киши – аёллар, болалар, йигитлар ҳалок, ўнлаб одамлар ярадор бўлди. Нега шундай бўлмоқда? Ким айбдор бунга?»

Мақола муаллифи Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудудидаги бир-биридан узоқ бўлмаган қишлоқлар ҳаёти ҳақида сўзлар экан, йиллар давомида улар тоғ сўқмоқлари орқали бир бири билан борди-келди алоқаларини узмай, қариндош уруғчилик ришталари билан чамбарчас боғланиб кетгани ҳақида мулоҳаза юритида ва 90-йиллар бошларида Тожикистондаги нотинчлик-фүқаролар уруши ва жангарилардан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ҳақли равишда Ўзбекистон томонидан чегаралар миналаштирилгани, энди тинчлик ўрнатилгани, хавф бартараф бўлганига қарамай, ҳамон у сўқмоқларга қадам босиш хавфи ҳолатга айлангани ҳақида ёзади.

ТОШГА КЕТИБ...

Тоғ қишлоқларида иморатлар пойдевори асосан тошдан тикланиши ҳаммага маълум. Уста тош терувчилар бесўнақай тошларни ҳам гиштдек чиройли тахлаб чиқиш ҳақисини олишган. Фарғона вилоятига туташ Исфара туманининг Даҳана, Кулент, Офтобруй, Лаккон сингари қатор қишлоқларида ҳам шу қадамий одат сақланиб қолган. Исфара атамаси этимологияси ҳам Асп роҳа, яъни «От йўли» маъносини бериши ҳақида қадимий кўлэмаларда ёзиб қолдирилган. Бу от йўли кейинчалик Хўжанд билан Фарғона водийсини туташтириб турган муҳим транспорт йўлига айланган. Икки республика ўз мустақиллигини қўлга киритган, йўллар маълум сабабларга кўра тақа-тақ тўсилиб, чегараларни ҳар икки томоннинг аскарлари қўриқлай бошлашган. Бу ҳам етмагандек миналаштирилган.

Лаккон қишлоғида 8,5 миң миңдан кўпроқ аҳоли яшайди. Ёшлар асосан Россияга пул ишлагани кетишади. Бир нима ортирганлар келиб, ота юрда ўй тиклашни орзу қилишади. Ғолибжон Исқов ҳам шулардан бири. 2000 йилнинг кузи. Ушанда у йигирма ёшларда эди. Ғузлон тоғидан тош олиб келишга бел боғлади. Тоғдан тош ташийдиган «Зил» русумли юк машинасининг ҳайдовчиси Абдуҷалил Азизов рудда, Ғолибжон, Ғофуржон, Кабиржон кўзювада тоққа йўл олишди...

Бир маҳал кучли портлаш овози эшитилиб, ҳаммаёқ қоп-қоронғи бўлиб кетди, кулогимиз кар бўлиб қолди, – дея эслайди Абдуҷалил Азизов. – Машинанинг олдинги гилдираги мина майдонига қириб қолганидан шундай бўлганини кейинчалик мушоҳада қилиб билдик. Уша пайтнинг ўзида эса одам шокка тушиб қоларкан, «осколка» оёғимга теккан экан. Ғолибжоннинг эса бир кўзи жа-

роҳатланган экан. Тоғ этагида руҳий касалликлар шифохонаси бор, шу ердан ёрдамга келишиб, бизни олиб кетишган. 17 кун дўхтирхонада ётиб даволандим. Ҳозир кўпроқ юрсам, яра ўрни тухумдай шишиб қолади, аммо омон қолганим учун шукр қиламан, Ғолибжон ҳам бир кўздан ажраган бўлсам омон қолди, бошқалар ҳам.

Ғузлон тоғи этагида руҳий касалликлар шифохонаси жойлашган. Уларга биринчи ёрдамни ана шу шифохона ходимлари кўрсатиб, кейин туман касалхонасига олиб боришган. Абдуҷалил Азизовнинг турмуш ўртоғи Обидахон Азизовнинг айтишига қараганда, турмуш ўртоғининг даволанишига нодавлат ташкилотлар доимий равишда ёрдам кўрсатиб турган.

– Бизга бу кишининг оёғига баллон тушиб кетди деб хабар беришди, – дейди Обидахон Азизова. – Аммо касалхонада ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлганимдан сўнг юрагимга ваҳима тушиб, ўша маҳалларда уйку нималигини билмай, тўрт нафар ўғлимиз-у бир нафар қизимизнинг бахтига ишқилиб тирик қолсин, ўлмасин, деб туни билан дуо қилиб чиқардим. Шукри, дуоларим ижобат бўлди.

Тоққа тошга чиқиб фалокатга йўлликқанларнинг барчаси даволаниб, нуқсонли бўлса-да, яшаб кетишди. Аммо ўғли билан бўлган шу воқеадан кейин қаттиқ ҳаяжонга тушганидан қанд касалига гирифторм бўлиб қолган Ғолибжоннинг отаси Каримжон ака 2005 йилда ҳаёт билан видолашди. Ғолибжоннинг танашида қолган битта «осколка»ни олишининг иложи бўлмаган эди – ўғлининг дардини у кўтаролмади. Сарвинисо ая ҳам она, ҳам ота ўрнида оилада ёлғиз ўзи бош бўлиб қолди.

– Бир кўздан айрилган Ғолибжоннинг танашида ҳалиям мина парчаси бор, – дейди Сарвинисо ая. – Ёшим 63 га етди, орадан шунча йил ўтган бўлса ҳам ўғлимнинг тирик қолганига шукр қиламан.

Сарвинисо Исқоқова адабиёт ихлосманди, қалби нозик аёл экан. Унинг ижодида, шеърларида халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик туйғулари тараннум этилиши ҳам бежиз бўлмай, бу ёруғ оламда инсон фақат яхшилик ва эзгулик учунгина яшashi кераклигини теран ҳис этганидан...

Шу воқеадан сўнг Қизил Ярим ой жамияти томонидан тоғ этакларидаги йўлларга мина борлигидан огоҳлантириб турувчи кўрсаткич белгилар қўйиб чиқилди. Аммо Ғузлон тоғига ажал ҳайдаб бораётган негадир уларга жиддий эътибор қаратишмади.

Кўп ўтмай каптар ови билан боғлиқ фожиали ҳодиса барчаннинг қалбини ларзага солди. Бу воқеа 2001 йилнинг 6 февралда содир бўлган эди.

ОЁК ОСТИДАГИ ФАЛОКАТ
Бир гуруҳ, аникроғи, 5 нафар 22-23 ёшлар атрофидаги йигитлар – Мадамин Нурматов, Сайфулло Мамажонов, Баҳриддин Исмоилиев, Носир Толибов, Комилжон Қаюмов 2001 йил 6 февраль кун кечки қоронғилиқда тоққа йўл олишди.

Собиқ Иттифоқ даврида Ғузлон тоғидан уран қазиб олинган. У ердаги «Рудник» деб аталган жойда 10-15 метрлик эски шахталар бор. Еввойи каптарлар ана шу шахталарга ин кургани яхши билган йигитлар шерикларидан бирининг белига арқон боғлаб шахтага туширишади ва тепадан тутиб турилган фонар ёруғида каптарларни йиғиб олишди. Уша кун соат 21 ларда улар қишлоққа қайтаётганида минага дуч келишади. Кучли портлашдан икки киши, жумладан, Мадамин Нурматов ярадор бўлиб, бир амаллаб одамлар бор жойга етиб олишга ҳаракат қилди. Уч нафари воқеа жойида қолди.

– У кунни эслагим келмайди, – дейди орадан йигирма йилга яқин вақт ўтган бўлса-да, ўша пайтдаги фалокатдан омон қолиб, бутун ёши қирқдан ошган Мадамин Нурматов кўзларида ёш гилтиллганча. – Шеригим билан амаллаб тоғ этагидаги, авваллари «чўчка-хона» деб аталган масканга етиб келдик. Чўчка боқилмай қолганидан кейин, бу жойни Жамшид Давронов хўсуйлаштириб олган, мол-ҳолларини шу ерда сақларди. Хайрият, у шу ерда экан. У бизни машинада шифохонага олиб бориб ўзи тоғда қолган шерикларимизни қидириб топиш учун қишлоққа хабар бергани жўнади.

ЖИГАРБАНДИМ ЖОНСИЗ ЭДИ...

– Уша кун тунда хабар келганидан сўнг биз ўн кишидан ортиқ яқинларимиз билан уларни қидириб тоққа йўл олганимизда ҳали қалбимизда умид учқунлари сўнмаган эди, – дея ҳикоя қилади каптар овида ҳалок бўлган Сайфулла Мамажоновнинг отаси Эсонали Мамажонов. – Зора, ярадор бўлса ҳам тирик бўлса, деб ўйлардим. Соат тунги 12 лар эди. Жуда совуқ эди. Бунақа маҳалда тоғда бирон нарса қидириб топиш қийин эканлигини яхши биласиз. Хайрият, мина портлаган ерда тош чироқ ёниқ қолдирилган экан. Узоқданок ўша нурга кўзимиз тушиши биланок ўша ёққа қараб ошиқдик. Бунақа лаҳзаларда одамнинг ичидан нима ўтаётганини ўзи ҳам билмас экан. Чироқнинг ёруғида қарадим...жигарбандим жонсиз эди. Ўзимни унинг устига отаркан эман, уни бу ерга етаклаб келган фалокат ҳақида қанчалик куюниб ўйламай, энди фойдаси йўқ эди. Ўғлим Сайфулланинг энди бошини икки қилиш ниятида эдик. Воқеа жойининг ўзида Сайфулла билан бирга ҳалок бўлган Баҳриддин Исмоилиев эди. Фарзандлари етим, умр йўлдоши бева қолди. Уруш майдонидан ҳалок бўлган шеригини елгага олган аскар каби биз уларни елкамизда кўтариб, 3 километр масофада пастгача олиб тушдик. Экспертиза пайтида маълум бўлишича, «осколка» баданга 15 сантиметр чуқурликда кириб кетган экан. Кимсасиз тоғ бағрида ярим тунда оғриқнинг зўридан додлаб ётганларнинг ноласини тасаввур этмасликка ҳаракат қиламан, хаёлимга келиб қолган маҳалида эса кўзёшларимни тиёлмайман. Мана, орадан шунча йил ўтди, аммо фарзанд доғи унутилмас, дард эскирмас экан. Мен 71 ёшданман. Яйпандан уйланганман. Тўрт нафар ўғил, 1 нафар қиз ўстириб, вояға етказдик. Ҳаммаси жойида эди. 2001 йил 6 февралда содир бўлган воқеа барча оила аъзоларимиз қалбига оғир жараҳат солиб кетди.

Турмуш ўртоғим Икхобатхон Мамажонова асли яйпанлик. Шу воқеадан кейин анча бетоб бўлиб, ўзига келолмади. Ҳозир унинг кўнглига қарайман. Мана, ҳозир ҳам Яйпанга қариндошлариникига кетган. Илгари боролмас эди. Икки давлат ўртасида йўлларни очиб кўйган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳақида ҳар кун дуо қиламиз. Мана энди чегара ҳудудлари ҳам у кишининг ҳаракатлари билан минадан тазаланаётганини эшитиб, янаям хурсанд бўлдик. Ахир, қайдадир бир одамнинг кўзёши беҳуда оқса, унинг увели барчага тааллуқли бўлади, дейишадими-ку?! Шавкат Мирзиёев оддий халқини, унинг ташвишларини яхши билганлари учун ҳаммага яхшилик қилляпти. Шу боис, биз ўз дастурхонларимиз бошидаги дуоларимизда у кишининг номларини тилга оламиз, токи фарзандларимиз, келгуси авлод ҳам халоскор бўлиб, бизни фалокат-у ташвишлардан ким қутқарганини яхши билсин деймиз.

ТОҚҚА ТОШГА ЧИҚИБ ФАЛОКАТГА ЙЎЛЛИҚАНЛАРНИНГ БАРЧАСИ ДАВОЛАНИБ, НУҚСОНЛИ БЎЛСА-ДА, ЯШАБ КЕТИШДИ. АММО ЎҒЛИ БИЛАН БЎЛГАН ШУ ВОҚЕАДАН КЕЙИН ҚАТТИҚ ҲАЯЖОНГА ТУШГАНДАН ҚАНД КАСАЛИГА ГИРИФТОР БЎЛИБ ҚОЛГАН ҒОЛИБЖОННИНГ ОТАСИ КАРИМЖОН АКА 2005 ЙИЛДА ҲАЁТ БИЛАН ВИДОЛАШДИ.

бораётган одамларни кўриб қолса, мина ўрнатилган жойга борманлар, деб жон-жаҳди билан уларни йўлдан қайтарарди. Ўзининг тақдирини бунақа бўлди. Уни қабрга қўйиб бўлганимиздан кейин йўқолган моли яна қайтиб келди.

БИТАЁТГАН АДОВАТ

Шимолий Тожикистоннинг Исфара, Конибодом, Ашт ва Панжакент туманларида Ўзбекистон билан чегарадош бўлган минтақаларга 1999 йил мина қўйиб чиқилган.

Самарқанд-Панжакент йўналишида ўзбек-тожик чегарасига ўрнатилган пиёдаларга қарши миналарни тазалаш ишлари бошланиши ҳақидаги хабар Тожикистоннинг Суғд вилоятидаги бошқа миналаштирилган ерларга яқин манзилларда яшаётган кишиларда ҳам умид уйғотди.

Расмий маълумотларга қараганда, ўзбек-тожик чегарасида 200 нафардан ортиқ тожикистонлик минадан жабрланган. Чегарага яқин яшайдиган одамлар мол боқиб, ўтин йиғиш, ов қилиш, равоч териш учун мина майдонларига тушиб қолиш ҳоллари қайд қилинган.

Чегараолди қишлоқларида яшаётган аҳоли орасида тушунтириш ишлари амалга оширилиб, 2 мингтадан ортиқ огоҳлантириш белгиси ўрнатилган.

Тожикистонда 20 тадан ортиқ минадан тазалаш гуруҳи ишлаган. Бироқ шунча ташвиш-у ҳаракатдан кейин ҳам ушбу ҳудудлар хавфлилик даражасини йўқотмади. Ўзбекистонда сиёсий режим ўзгариб, Шавкат Мирзиёев ҳукуматга келгач, бу масалага жиддий киришилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги чегараларга ўрнатилган пиёдаларга қарши миналар бутунлай олиб ташланди. Шуниси эътиборлики, ҳудудни миналардан тазалашда Ўзбекистон томони ташаббус кўрсатди. Бу, ҳеч шубҳасиз, минг йиллардан бүён бирга яшаб келаётган, эт-у тирноқ бўлиб кетган ўзбек-тожик халқлари азалий дўстлигини, яқинлигини тиклашга муҳим қадам бўлди. Халқларни бир-бирига янада яқинлаштириди, ўртадаги низо, адоват, ишонсизлик кайфиятларига барҳам берди.

Кутилмаган портлашда Мужибохоннинг олдинроқда бораётган катта қизи Гулпарни ҳалок бўлади. Кичик қизи Гулдона эса қўлидан яраланади. Ўзи ҳам яраланган ва ўтақаси ёрилаётганидан ҳушидан кетишига бир баҳа қолган Мужибохон шунда ўзида куч топади ва яраланган қизини бағрига босганича тоғдан пастга қараб югаради. Уларнинг ҳар иккисидан ҳам оқаётган қонлар тоғ қўқатлари устини қизил ранга бўярди. Мужибохоннинг фикр-у зикри бағридаги Гулдонасида, ҳозиргина кўз ўнгиде Гулпариси жон таслим қилди, энди Худо Гулдонасининг жони омон

Дўстлик ришталари



Наманган вилояти

Шу кунларда мен вирус юқтириб олиш хавфи билан гумонга олиниб, Наманган ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб интернати талабалар ётоқхонасида ташкил этилган карантин ҳудудида 14 кунлик назорат остида бўлдим.

Карантин сабоқлари



Вирус ҳадиги

Тўғриси, карантинга олингандан сўнг, инсон ўздан ўтганини ўзи билар экан. Қутишлар, ҳар хил ўй-хаёллар гирдобидега кишининг асаблари таранглашиб кетишини бошимдан кечирдим. Аммо шундай қийин кунлар бўлишига қарамай, карантин зонасида яратилган шарт-шароитлардан, шифокорларнинг далласидан кўнглим тоғдай кўтарилди.

Бу ерда карантинга олинган барча фүқаролар учун ётоқ жихозлари, дори-дармонлар, антисептик моддалар, никоблар, озик-овқат маҳсулотлари, кундалик ва маиший буюмлар муҳайё.

Наманган шаҳар болалар шифохонасининг врач ва ҳамширалари, санитария ва дезинфекция ташкилотлари ходимлари тун-у кун хизматимизда бўлишгани боис уларнинг меҳрларидан, далдаларидан ҳар қандай касалликни енгиллашга куч топишимизга ишондик.

Ҳар бир кишига алоҳида эътибор қаратгани, барча шароитни яратиб бергани учун Наманган шаҳар болалар шифохонасининг шифокори Маҳмуджон Асрановга, ҳамширалар Иродахон Холматова, Насибохон Каримовага, Дилбархон Баҳрамова санитария ва дезинфекция ташкилотли ходимларига ва «Диёр қурилиш савдо» МЧЖ раҳбарияти ва жомасига ўзимнинг чин дилдан миннатдорлигимни билдираман.

Бугун ана шундай жонқурлар ёрдами тўғриси 14 кунлик карантиндан чиқиб, оилам бағрига қайтдим. Шу ўринда барчани карантин қодаларига доимий риоя қилишга қақираман, ҳеч ким ушбу дардга чалинмасин, соғлигимизга бефарқ бўлмайлик!

Ақмалхон УМАРОВ,

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши мутахассиси

Эҳтиёт шарт

ОФАТ ОҒОХ ЭТМАЙДИ

фақатгина хушёрлик унинг олдини олади

Агар кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил этадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бефарқлигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганига амин бўламиз.

Демак, ёнғин чиқмаслигининг асосий омилли – огоҳлигимизни кучайтиришимиз керак. Ёнғин хизмати ходимлари ўтти учиршидан кўра, офатнинг олдини олиш лозимлигини яхши англаган ҳолда тарғибот тадбирларига алоҳида эътибор қаратишади. Шу боис, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги ишлаб чиқариш, савдо, саноят ва бошқа тармоқлар масканларида ёнғин хавфсизлигига амал қилиш бўйича тушунтириш олиб боришади. Жойларда газ ва электр манбаларидан ноқонуний фойдаланмаслик, техник талабларга жавоб бермайдиган носоз иссиқлик ҳамда еришти мосламаларини ишлатишнинг олдини олиш мақсадида тегишли идора ва корхоналар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилади.

Ўйлаймики, маъмур тадбирлар натижасида эҳтиёткорлик ва эътиборимиз ошади, ёнғин каби офатлар ҳеч кимнинг уйида бўлмайди.

С. ҚОСИМХЎҲАЕВ,
Юнусобод тумани ФВБ ЕН ва ПБ бошлиғи, подполковник



Шойим БЎТАЕВ

Мушоҳада

Тилга муносабат виждон амрига айланмас экан...

Юртимизда ҳалқаро алоқалар жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Иқтидорли ёшларимизга дунёнинг нуфузли олий таълим муассасалари ва уларнинг мамлакатимизда ташкил этилган филиалларида таълим олиш имконияти яратиб берилган турли тилларни пухта ўрганишни тақозо этади. Қолаверса, мамлакатимизнинг инвестицион жобабдорлиги ортиб, хорижий сармоянинг киритилаётгани, иқтисодийимиз тармоқлари модернизация қилинаётгани ва янги технологиялар жорий этилаётгани турли даражадаги кадрларнинг касбий билим ва кўникмалари доирасини кенгайтиришни талаб қилади. Меҳнат бозорининг глобаллашуви эса хорижда ишлаётган фуқароларнинг ҳам чет тилларини ўрганишига зарурат туғдирмоқда.

Бу каби омиллар тилимизни янада бойитиш, унинг луғавий базаси кенгайтиришга ҳам сабабчи бўлади. Бу ишни «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни қайта таҳрир қилиш ва янги сўзларнинг қисқа ҳамда аниқ луғавий маъносини ишлаб чиқишдан бошлаш лозим. Бу жараёнга ҳар бир соҳа мутахассислари жалб этилсагина кутилган натижага эришиш мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалиги атамашунослигига оид сўзлар борасида кўплаб муаммолар бор. Ҳозирги пайтда соҳа ва унинг тармоқларига оид сўзларни ҳар ким билганича истифода этмоқда. Бу ҳол «Қишлоқ хўжалиги атамалари луғати»нинг йўқлиги туфайли рўй бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Холбуки, бундай луғатлар барча тармоқлар учун зарур.

Бундан ташқари, телевидение ва радио, ижтимоий тармоқларда халқаро ва хорижий сўзлардан фойдаланиш даражасининг ошиши билан бирга ўзбек адабий тили қодаларига риоя қил-

маслик, шевада сўзлаш, бир неча тилларни қориништириб гапириш ҳолатлари одат тусига кира бораётди. Телеканалларда, айниқса, нодавлат телеканалларда эфирга узатилаётган турли хил кўрсатувларнинг савияси қандайдир махсуслот рекламасидангина иборат, холос. Хорижий мультипликацион ва анимацион фильмларнинг ўзбек тилидаги таржимаси ва таҳририга етарли даражада эътибор берилмапти. Бу эса мурғак қалб эгалари бўлган кичкина болаларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Кўргазмали ташвиқот баннерларидаги имловий хатолар, шакл ва мазмун номуносиблигига жавоб берадиган аниқ бир органнинг йўқлиги кўплаб иллатларнинг урчишига замин яратмоқда. Давлат тилига риоя этилмаган ҳар қандай ҳолат учун жавобгарлик чоралари белгилансагина бу каби муаммоларга ечим топилади.

«Тараққий этган миллатларни оналари ўқитар экан, биз аввал оналимизни ўқитиб, уларга тил

ўргатмоғимиз керак, чунки бизнинг илм ва тил-сизлигимиз улардандир», деган эди Маҳмудхўжа Бехбудий. Дарҳақиқат, она тилимиз ҳар биримизга бевосита онамизнинг сўзи ва меҳри орқали кириб, дастлабки сўз бойлигимиз оиладаги мулоқотлардан шаклланади. Таълимнинг барча bosқичларида она тили ва адабиёт фанларини ўқитиш соатларини кўпайтириш билан бирга ўқув услубийтини ҳозирги замон болаларига мос ҳолда ўзгартириш масаласини ҳам жиддий ўйлаб кўришимиз лозим. Ёзма ишлар, баён ва иншолар ёзиш каби машғулотларни қайта тиклаш, бунга ажратилмаган дарс соатларини кўпайтириш керак. Болаларда озғани ва ёзма нутқни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратишимиз зарур. Зеро, ёзма нутқ саводхонлиқни оширишга хизмат қилиш билан бирга ёшларимизни сабр-тоқатли бўлишга ҳам ундайди.

Махшур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг таъбири билан айтганда, «миллий ниғилистлар» – ўз она тилини билмайдиган, бу тилда озғани ва ёзма фикрини баён қила олмайдиган кишилар сафи кенгайиб бораётгани ташвишли ҳолдир.

Ўрта махсус ҳамда олий таълим муассасаларида таълим йўналишидан қатъи назар, меҳнат фанини ўқитиш, дарс соатларининг муайян қисмини идоровий иш юритиш бўйича махсус машғулотларга ажратилиш мақсада мувофиқдир. Ёш мутахассисларнинг ушбу масалада малака ва кўникмаси етишмаслиги сабабли улар меҳнат фаолиятида дастлабки bosқичида баъзи қийинчиликларга дуч келмоқда. Маъмурий иш юритиш – хатлар, идоровий ҳужжатларни тайёрлаш ҳам ўзига хос бир



мактаб ҳисобланади. Чунки ҳар қандай хат ёки ҳужжатда ўша корхона ёхуд ташкилотнинг саводхонлиги, маънавий-маърифий юзи намоён бўлиши аниқ ҳақиқат.

Кўп ҳолларда имловий қодаларга риоя этмаслик, сўзларнинг изоҳли маъносига эътибор бермаслик, гапдаги сўзлар ўрнини алмаштириб қўллаш ифода этилаётган фикрнинг моҳиятини ўзгартириб юбораётди. Оқибатда «Вазирликнинг 4 та идоровий меъёрий ҳужжати» жумласини «4 та вазирликнинг идоровий меъёрий ҳужжати», «Лицензияси бўлмаган автотранспорт воситаларида йўловчилар ташиш қатъиян ман қилинади»ни «Лицензияси бўлмаган йўловчи-

ларни автотранспортда ташиш қатъиян ман қилинади» каби ғализ шаклда ёзиш одатий ҳол бўлиб қолмоқда. Шу боис, идоровий иш юритишга давлат тилини жорий қилиш билан бирга барча даражадаги ташкилот ва муассасаларда ходимларнинг билим ва малакасини ошириш лозим.

Хуллас, тилимизни эъзозлаш, бойитиш, уни ҳар хил кераксиз сўзлардан тозалаш, ҳар бир фуқаронинг виждон иши бўлиши керак. Ана шундагина миллат сифатида жаҳонда ўз ўрни-мизни йўқотмаймиз.

Эшмирза АБДУАЛИМОВ,

Қишлоқ хўжалиги вазирилик Кадрлар ва ўқув юртлири бошқармаси бошлиғи

Халқаро валюта жамғармасининг сўнги башоратига қараганда, Ер шарининг ғарбий қисмида иқтисодийнинг олдинги прогнозлардан каттароқ қисқариши кутилмоқда. Лотин Америкасида бу кўрсаткич 8 фоизга яқин бўлади. Гапни Америка қитъасидан бошлаганимиз бежиз эмас. Чунки энг катта талафот Лотин Америкасида юз бериши кутилмоқда. Апрель ойида минтақа иқтисодиётида ривожланиш 5,2 фоизга секинлашди. Бунинг баробарида ишсизлик ҳам ўсиб борапти.

Бу дунёнинг бошқа қитъа ва минтақалари ишсизлик балосидан қутулиб кетади, деган маънони аналитиклар айтишмоқда. Инқироз кўламини камайтириш учун ХВФ Лотин Америкасидаги 19 та мамлакатга 3,4 миллиард долларга тенг фавқулодда кредитлар талаблари юмшатишга, аҳвол танг бўлишини маълум қилди. Аргентина коронавирус тарқалишидан олдин таъназулга юз тутган, 44 миллион нафар аҳолининг учдан бири қисми қашшоқликда ҳаёт кечиради. Демак, камида 15 миллион нафар одам ишсизлик ёки қийинчиликда кун кечиради. Одамлар пойтахт Буэнос-Айресда тўпланиб, март ўрталарида жорий этилган карантинни бекор қилишга чақирмоқда.

Осиёнинг йирик мамлакатларидан бири бўлган Индонезия ва унинг пойтахти Жакартада ҳам вазият яхши эмас. Айниқса, кун кўчада ўтадиган ошпаз, таксичи ва бошқа касб эгалари пулсиз уйда ўтирибди. Бу мамлакатда пандемия сабабли икки миллион одам ишсиз қолган. Дунёнинг қашшоқ мамлакатларидан бири ҳисобланган Найробида аҳвол аянчли.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида ҳам ишсизлик билан боғлиқ вазият жуда оғир. Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ҳиндистонда 519 миллион ишчи кучи мавжуд. Қолаверса, мамлакатда қарийб 120 миллион иммигрант ишчи бор. Комендантлик соати туфайли миллионлаб одамлар ишсиз қолди. Форс кўрғазми мамлакатларидан ўн минглаб ишчиларнинг юртига қайтгани ҳам вазиятни баттар оғирлаштирмоқда. Минтақадаги қашшоқлик муаммоси эпидемия натижасида янада авж олган. Ҳозирча вирус кўламини бир маромда ушлаб турилибди. Агар вирус Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш каби ривожланмаган мамлакатларда кенг тарқалса, улкан фалокатларга йўл очиши мумкин. Қолаверса, Мумбай, Калькутта ва Карачи каби дунёнинг энг гавжум шаҳарлари жойлашган Жанубий Осиёда тоза сув манбалари чеклангани ва гигиена талабларига риоя этилмаганини ҳисобга олсак, эпидемияга қарши кураш

анчагина қийин кечадиганга ўхшайди. Бугун коронавирус синовида ўтаётган АҚШ иқтисодиётида кўрсаткичлар унчалик яхши эмас. Карантин давридаги асосий синора аҳолининг бандлик даражаси тобора пайсаяиб бораётгани бўлиб турибди.

Бугунга келиб АҚШда 41 миллион нафар киши ишсиз. Ҳукумат ишсизлик бўйича нафақа тўламоқда, бироқ бу бир оилага етиши қийин. Кўпчилик ижарада яшайди. Уй эгаси ижара ҳақини талаб қилади. Хуллас, ишсизлик учун нафақага мурожаат қилганлар рақами ўсишда давом этмоқда. Ишсизлик муаммоси кучайиб бораётгани ва унинг тикланиши келгусида узоқ муддат талаб қилишини инобатга олсак, аҳолининг бандлик кўрсаткичлари АҚШ учун жиддий муаммога айланиб, дунёдаги энг йирик иқтисодиётга етарлича таҳдид солмоқда. АҚШда карантин чоралари туфайли юзга келаётган ишсизлик даражаси 1930-йилларда юз берган «Буюк тушкунлик»дан (1929-1933 йилларда юз берган дунё иқтисодий инқирози шундай деб аталади) кейин мисли кўрилмаган кўрсаткичга етди. 2008-2009 йилларда юз берган бутунжаҳон молиявий инқирозидан кейин ўн йилликда кетма-кет 100 ой давомида ишлаб чиқариш ҳажми ошган, иш ўринлари йўқотилмаган, натижада жорий йил февраль ойида ишсизликнинг сўнги ярим асрдаги энг паст даражасига (3,5 фоиз) камай-

тира олган мамлакат учун бу мисли кўрилмаган муваффақиятсизлик ҳисобланади. Аммо умид берувчи ҳолатлар ҳам бор: масалан, карантин даврида ишсиз қолганларнинг аксарияти ишдан вақтинчалик бўшатиш билан ва улар иш ўрнини сақлаб турибди. Иш берувчилар шу чора билан ўз маблағини тежашни хоҳлаган. Бу тоифа одамлар карантин чоралари энгиллаштирилгандан сўнг ўз ишига қайтиши мумкин. Бошқалари эса кам иш ҳақи эвазига салмоқли имтиёزلардан фойдаланишни танлади – уюлға охирига қадар ҳукумат уларга тўланадиган маблағини оёйга одатдаги бир ярим минг доллардан ўртача 4 минг долларга

кўпайтатган эди. Аммо ёз фасли биринчи ойининг ўрталарига келиб дунё миқёсидаги ишсизлар сони 300 миллиондан ошиб кетди. Аммо асл рақамлар бундан-да кўп бўлиши мумкин. Яна бир маълумот. Коронавируснинг дунё бўйлаб тарқалиши юзга келтирилган иқтисодий ноаниқлик аллақачон иқтисодиётлар 2001 йил 11 сентябри портлашлари ёки 2008 йилдаги молиявий инқироз пайтларидан ҳам каттароқ шокка тушганини аналитади.

«Сабаби шуки, биз охири-оқибатда қанча одам ишидан айрилишини билмаймиз, билмаганимиз туфайли ҳам бу ишсизлик вазиятини ўнглашга қанча вақт кетишидан беҳабаримиз. Шунингдек, биз бугун жабр кўраётган юз

килотининг қайд этишича, норасмий иқтисодда банд бўлган аҳоли қатлами расмий сектордаги ишчилардан кўпроқ зарар кўради. Дунё бўйлаб норасмий секторда банд аҳоли 2 миллиарддан кўпроқни ташкил қилади. ХМТ ҳисоб-китобларига кўра, дунё бўйлаб норасмий иқтисодиётда банд бўлган миллионлаб кишиларнинг даромадлари карантиннинг биринчи ойида 60 фоизга қисқарди.

COVID-19 пандемиясининг глобал таъсири дунёдаги фавқулодда тиббий-санитария доирасидан анча четга чиқиб кетди. Ҳозирда келажикимизнинг барча жабҳалари – иқтисодий, ижтимоий, тараққиёт соҳалари ва кўпгина бошқа йўналишлар жиддий

Дунёда нима гап?

онлаб кишилар учун ишдан бўшаш ҳалокатга тенг ҳолат. Барчамиз ҳозирда боғлиқ бўлиб турган одамлар, яъни ижтимоий ва курьерлик хизматларининг кўпчилик ходимлари касаллик таътиллари ололмади ва кўп ҳолларда, улар касал бўла туриб, ишлаши давом эттиришга мажбур. Ривожланаётган мамлакатларда ишбай ишчилар, мардикорлар ва норасмий савдогарлар ҳам шу аҳволда, зеро, улар ҳам оилаларини боқиб туриш керак. Натижада эса ҳаммамиз жабр кўряпмиз: бу нафақат вирус тарқалишини тезлаштиради, балки қашшоқлик ва тенгсизликни янада кучайтиради.

Дунёнинг қатор мамлакатларида миллионлаб иш жойлари ва корхоналарни сақлаб қолишнинг имкони бор бўлиб, бунинг учун ҳукуматлар корхоналарнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлайдиган, ишдан бўшатишларнинг олдини оладиган ва заиф тоифадаги ходимларни ҳимоялай оладиган қатъий чораларни кўриши зарур бўларди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпчилик мамлакатлари шундай йўл тутди. Ҳозирги вақтда давом этаётган кескин пайсаяиб узоққа чўзиладиган рецессияга айланиб кетмаслиги учун бу давлатларда рағбатлантирувчи бюджет-молия ва кредит-пул сиёсати амалга оширилди. Бу ҳолат шундан далolat берадики, миллионлаб одамлар учун даромад манбаи ҳисобланган корхона ва ташкилотлар бундай оғир вазиятда ҳам жон сақлаб қолиши ва имкон пайдо бўлиш билан ҳаммасини бошидан бошлашга тайёр бўлиши лозим эди. Кўпгина мамлакатлар фуқаролар ва иқтисодиётни ҳимоя қиладиган, ишчи-ходимлар ва корхона-ташкилотларга маблағлар билан таъминлайдиган кўллаб-қувватловчи чора-тадбирларни амалга ошира бошладилар. Мазкур чораларнинг максимал даражада самарали бўлиши учун ҳукуматлар иш берувчи ташкилотлар ва касоба уюшмалари билан биргаликда одамларни муҳофаза қилиш ва иш жойларини сақлаб қолишни таъминлайдиган ечимлар ишлаб чиқишди. Бундай чоралар қаторига даромадларни кўллаб-қувватлаш, иш ҳақларини субсидиялаш, расмий ишда ишлайдиган ва вақтинча ишдан бўшаётган ходимларга нафақалар тўлаш, ўзини ўзи банд қилган шахсларга солиқ имтиёзларини тақдим этиш, корхоналарга молиявий кўмак бериш кабилар киритилди. Халқаро миқёсда кўрилган ва кўриляётган чоралардан мақсад – камбағаллик ва қашшоқликка йўл қўймаслик. Чунки қашшоқлик ҳар жойда ҳам жамият фаровонлиги учун асосий хавф ҳисобланади.

Шундай экан, дунё ҳукуматлари бир тарафда карантин чораларини юмшатиш, бизнесни ривожлантириш, унга катта миқдорда мадад ажратиш, иккинчи томондан ижтимоий масофага риоя қилган ҳолда ижтимоий объектлар ва ишлаб чиқаришни тезроқ ишга тушириш йўлини танлапти.

Абдували СОЙИБЗАРОВ, сийёсий шарҳловчи



ПАНДЕМИЯНИНГ ОҒИР АСОРАТИ: МИЛЛИОНЛАБ АҲОЛИ ИШСИЗЛИК ВА ҚАШШОҚЛИК БЎСАҒАСИДА



Бугунга келиб АҚШда 41 миллион нафар киши ишсиз. Ҳукумат ишсизлик бўйича нафақа тўламоқда, бироқ бу бир оилага етиши қийин. Кўпчилик ижарада яшайди. Уй эгаси ижара ҳақини талаб қилади. Хуллас, ишсизлик учун нафақага мурожаат қилганлар рақами ўсишда давом этмоқда. Ишсизлик муаммоси кучайиб бораётгани ва унинг тикланиши келгусида узоқ муддат талаб қилишини инобатга олсак, аҳолининг бандлик кўрсаткичлари АҚШ учун жиддий муаммога айланиб, дунёдаги энг йирик иқтисодиётга етарлича таҳдид солмоқда. АҚШда карантин чоралари туфайли юзга келаётган ишсизлик даражаси 1930-йилларда юз берган «Буюк тушкунлик»дан (1929-1933 йилларда юз берган дунё иқтисодий инқирози шундай деб аталади) кейин мисли кўрилмаган кўрсаткичга етди. 2008-2009 йилларда юз берган бутунжаҳон молиявий инқирозидан кейин ўн йилликда кетма-кет 100 ой давомида ишлаб чиқариш ҳажми ошган, иш ўринлари йўқотилмаган, натижада жорий йил февраль ойида ишсизликнинг сўнги ярим асрдаги энг паст даражасига (3,5 фоиз) камай-

оширди. Бунинг учун АҚШ, ҳатто, «космик миқдордаги» триллионлаб қарз жалб қилишга ҳам кўрқмади.

Ўтган асрда, иккита жаҳон уруши ўртасида рўй берган «Буюк тушкунлик»дан бери АҚШда ишсизлик даражаси ҳеч қачон бундай хавфли кўри-ниш олмаган. 1980-йилларда рўй берган иқтисодий турғунлик даврида ҳам кўрсаткичлар деярли 10 фоиздан ошмаган. АҚШ замонавий тарихда бир кеча-кундузда ўн миллионлаб иш ўринларини йўқотишга дуч келмаган. Аввалги рекорд 1945 йилга тегишли эди. Ушанда АҚШ иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг армия сафида бўлган миллионлаб аскарларнинг ҳарбий хизматдан бўшатилиши ва улар ишсизларга айланади. Ушанда ҳам аҳвол ҳозиргидан 10 баравар паст бўлган – бир вақтнинг ўзида 2 миллион одам ишсиз қолган. Иқтисодчилар бундай йирик қўламадаги йўқотишлар ўрнини яқин бир неча йил ичида, вирус тарқалишидан олдинги энг паст натижагача тиклашнинг илоҳи бўлмаслиги мумкинлиги ҳақида оғоҳлантирмоқда. Аммо йилнинг иккинчи ярмида бироз тикланишдан умид бор. «Буюк тушкунлик» даврида одамлар ўз ишини бутунлай йўқотган ва иш ўринларини қайта тиклашнинг мутлақо имкони бўлмаган. Ҳозир вазият бироз бошқача – ўн миллионлаб америкалик ишсизлар карантиндан сўнг ишга қайтиши мумкин.

Халқаро меҳнат ташкилотининг март ойидаги маълумотларига кўра, дунё миқёсида 25 миллион нафаргача одам ишсиз қолиши, ишчилар даромадларидаги йўқотишлар эса 3,4 триллион АҚШ долларини ташкил этиши

минглаб кичик ва ўрта бизнеслар вазиятини ўнглашга қанча вақт кетишини ҳарз жабб қилишга ҳам кўрқмади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг раҳбари Анхел Гурриа.

Дунё ҳукуматлари вирус тарқалишидан бери АҚШда ишсизлик даражаси ҳеч қачон бундай хавфли кўри-ниш олмаган. 1980-йилларда рўй берган иқтисодий турғунлик даврида ҳам кўрсаткичлар деярли 10 фоиздан ошмаган. АҚШ замонавий тарихда бир кеча-кундузда ўн миллионлаб иш ўринларини йўқотишга дуч келмаган. Аввалги рекорд 1945 йилга тегишли эди. Ушанда АҚШ иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг армия сафида бўлган миллионлаб аскарларнинг ҳарбий хизматдан бўшатилиши ва улар ишсизларга айланади. Ушанда ҳам аҳвол ҳозиргидан 10 баравар паст бўлган – бир вақтнинг ўзида 2 миллион одам ишсиз қолган. Иқтисодчилар бундай йирик қўламадаги йўқотишлар ўрнини яқин бир неча йил ичида, вирус тарқалишидан олдинги энг паст натижагача тиклашнинг илоҳи бўлмаслиги мумкинлиги ҳақида оғоҳлантирмоқда. Аммо йилнинг иккинчи ярмида бироз тикланишдан умид бор. «Буюк тушкунлик» даврида одамлар ўз ишини бутунлай йўқотган ва иш ўринларини қайта тиклашнинг мутлақо имкони бўлмаган. Ҳозир вазият бироз бошқача – ўн миллионлаб америкалик ишсизлар карантиндан сўнг ишга қайтиши мумкин.

Халқаро валюта фонди таҳлил-ларига кўра, 2019 йилда 2,9 фоизга ўсган жаҳон иқтисодиёти 2020 йилда 3 фоизга қисқариши мумкин. Бундан ташқари, ХВФ ишсизлик даражаси 2019 йилдаги 3,7 фоиздан 9,2 фоизга қисқариши тахмин қилмоқда. Ҳатто ривожланган давлатларда ҳам ишсиз-лиш 6,6 фоиздан 9,2 фоизга кўтари-лиши кутуляпти. Халқаро меҳнат таш-

хавф остига тушиб қолди. Шу аснода Халқаро меҳнат ташкилоти иш жойла-рида, корхона ва ташкилотларда, мам-лакатлар иқтисодиётлари ва жаҳон

хўжалигида тўғри қарор қабул қилиш учун ҳуку-матлар ва ол-динги фронт-дагилар, яъни ишчилар ва иш берувчи-лар орасида ижтимоий му-лоқот ўрна-тишга, яша-ётган асри-мизнинг йигирманчи йиллари ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги воқе-аларни такрорлашга чақиряпти.

Пандемия меҳнат бозорларимиз-нинг заиф жойларини аёвсиз очиб берди. Ҳам йирик, ҳам кичик корхона-лар фаолияти тўхтаб қолди, иш вақти қисқарди, ходимлар ишдан бўшати-лмоқда. Савдо марказлари ва ресторан-ларнинг ёпилиши, авиарейсларнинг ва меҳмонхона буюртмаларнинг бекор қилиниши, корхона ва ташкилотларда масофадан туриб ишлаш режимига ўтилиши кўпчиликни касод жарлиги ёқасига келтириб қўйди. Қолаверса, шундоқ ҳам барқарор ишга эга бўлма-ган одамлар, яъни сотувчилар, офици-антлар, ошхона ходимлари, юк ортув-чилар, фаррошлар каби ходимларнинг биринчилардан бўлиб ишдан бўша-шига тўғри келди. Ҳар беш кишидан бир киши ишсизлик нафақасига эга бў-лиш ҳуқуқида яшаётган дунёда милли-

каби дунёнинг энг гавжум шаҳарлари жойлашган Жанубий Осиёда тоза сув манбалари чеклангани ва гигиена талабларига риоя этилмаганини ҳисобга олсак, эпидемияга қарши кураш



Зиёли қатламнинг сеvimли нашри бўлмиш «Маънавий ҳаёт» журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди.

Унда маънавий-маърифий, тарихий, фалсафий мавзуларда бир қатор таҳлилий мақола-лар эълон қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Муҳтарам Улуғованинг «Қалбнинг қиёфадаги акси», Дамин Жумақулнинг «Рост ва ёлгон орасида», филология фанлари доктори, профессор Анвар Омонтурдиевнинг «Сўзлаётган ашёлар», ёзувчи Шароф Бошбековнинг «Эски-янги ҳангомалар», педагогика фанлари номзоди, доцент Раҳматилла Ғойибназаровнинг «Қадимги боқхоналар қандай бўлган?» каби ўқишли мақолалари эълон қилинган. Шунингдек, журналист Мусулмон Намознинг «Даҳони англаш» сарлавҳали мақоласи ҳам кўпчилик ўқувчиларнинг эътиборини торттиши аниқ. Қуйида ушбу мақола қисқартirilган ҳолда эълон қилинмоқда.



Боболар изидан

Даҳони англаш

Хазрат Навоийнинг туғилган куни муносабати билан матбуотимизда чоп этилган, теле ва радио тўлқинлари орқали эфирга узатишган, интернет саҳифаларида эълон қилинган мақолаларни кузата туриб, бир фикрга амин бўлдим: йиллар ўтгани сайин ҳазратдан тобора йироқлашиб бораётган эканмиз.

Бунинг кўп сабаблари бор, албатта. Аввало, орада ўтган асрлар давомида тил қаттиқ ўзгаришларга учради. Ҳазрат ишлатган кўпгина сўзларни бугун, оддий ўқувчи тугул, мутахассислар ҳам лугат билан тушунадиган бўлиб қолди. Буни ҳам майли. Ҳар ҳолда, лугатларимиз етарли, қизиқ ва истак бўлса, ҳазрат Навоийни ўқиб тушуниш учун ҳар ишга тайёرمىз. Бироқ муаммонинг каттаси бошқа ёқда.

Ҳазрат ишлатган образлар, у зотни ўйлатган, фикрлашга мажбур этган тушунчалар ҳам ҳаётимиздан кунба кун йироқлашиб бораётди. Мана шуниси хатарли! Илло, одамзотнинг табиати шундайки, ўзимизга керак бўлган матоҳга етишмоқ йўлида ҳар қандай машаққатга тайёرمىз. Аммо ҳазрат Навоийни ўқимаётган эканмиз, демак, у зотнинг асарларида бунёд бўлган муҳташам адабиёт дунёсига эҳтиёжimiz камайиб кетибди, дея хулоса қилиш мумкин...

Аслини олганда, ҳазрат Навоийга қизиқиш ҳар доим кучли бўлган. Айниқса, XX асрга келиб, у зотнинг асарлари кўпминг адабда қайта-қайта чоп қилиниб, кенг ўқувчилар оммаси кўлига етиб боргач, бу асарларни илмий жиҳатдан ўрганиш ҳам кучайди. Фанда навоийшунослик деган янги бир бўлим пайдо бўлди. Ҳисоб-китобларга кўра, бир аср давомида навоийшуносликка дахлдор юздан зиёд диссертация ёзилибди. Уларнинг аксарияти монография ҳолида китоб қилиб чоп этилган. Муаллифлар жамоаси ҳамкорлигида битилган тўпламларнинг эса саногига етиб бўлмайди.

Ҳазрат Навоийни кенг оммага тушунтириш йўлида рус шарқшуносларидан Бартольд ва Бертельс, миллий олимларимиздан Фитрат, Ойбек, Шайхзода, Иззат Султон, Абдуқодир Ҳайитметов, Азиз Қанонов каби илм фидойилари бўлган адибу олимларимиз баракали меҳнат қилишган.

Бироқ шуни ҳам афсус билан қайд қилиш керакки, бугунги кун назари билан қараганда, ҳазрат Навоий ҳақидаги диссертацияларнинг аксарии илмий жиҳатдан саёз, одамлар ҳаёти учун эса фойдасиз бўлиб кўринадди. Уларнинг кўпини мутулаа қилгач, «илм илм учун» деган қондани ким ўйлаб топган ўзи, илм, айниқса, адабиёт ҳақидаги илм одамларга хизмат қилмайдими?» деган хаёлларга бориб қоласан киши.

Эмоцияларни бир четга йиғиштириб, жиддий фикр юритсак, навоийшунослик даража-

сининг пастлигига биринчи сабаб, албатта, шу соҳага қўл урган «олим»ларнинг билим даражаси уларнинг кўнглидаги иддаосидан кўра пастроқ эканини англаймиз. Бироқ расман ҳимоя қилинган диссертацияларнинг билим жиҳатидан саёзлигини кўрсатиш учун, энг камида олтимиш-етмишини санаб ўтиш, улардаги саёз ўринларни, плагиат фикрларни исботи билан келтириш лозим бўладики, бу кичик мақола учун ҳажм жиҳатидан имконсиз бир ишдир.

Навоийшуносликни эл кўзида обрўсизлан-тирган иккинчи сабаб эса диссертация муаллифларининг аксарияти ислом илмидан, хусусан, ислом фалсафасидан беҳабар бўлишганида. Маълумки, ҳазрат Навоий ҳаётда комил мусулмон бир шахс бўлиб яшаб ўтганлар. У зотнинг ҳаётий таомил-тутумлари ёзган асарларига ҳам кўчган. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг ўқ томирини ташкил этган. Лекин муста-бид шўролар замонидан бу ҳақда ёзиш тугул, фикрлашга ҳам руҳсат йўқ эди. Шунинг оқибатида баъзи чаламулла «олимлар»имиз ҳазрат Навоийдан салкам даҳрий бир шоир ясаб қўйиш даражасига бордилар. Табиийки, бундай мақола-лар, рисола ва китобларни ўқиб катта бўлган ёш авлод ҳам аста-секин шундай эканига тус-туғал ишониб қолаёзди.

Аллоҳга шукрки, кейинги замонларда бундай камчиликлар аста-секин барҳам топиб бормоқда. Навоийшунослар орасида исломни чуқур ўрганишга интилувчилар анча кўпайди. Хусусан, ҳазрат Навоийнинг мустақиллик йилларида чоп этилган асарларида Аллоҳга ва пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (САВ)га ҳамд айтилган қисмларнинг тўлиқ ҳолда нашр этилиши катта воқеа бўлди. Ҳолбуки, бу ўринлар шўролар давридаги нашрларда атайлаб тушириб қолдирилган эди. Ҳазрат Навоийнинг олам ва одам ҳақидаги қарашларига пойдевор бўлиб хизмат қилган диний тушунчаларнинг ўқувчилар кўлига етиб бориши ёш мутахассисларнинг ҳам қарашларини остин-устин қилиб юборди, дейиш мумкин.

Шунингдек, исломшунослар орасида ҳам

ҳазрат Навоийни тушунишга уринувчилар сони ортиб бораётди. Дин ва адабиёт илмларининг чуқур билимдони бўлган марҳум Анвар қори Турсунов жума мавъизаларида ҳар сафар ҳазрат Навоийга мурожаат қилиб, у зотнинг ё бир газали, ё бир рубойиси, ҳеч бўлмаса, бир байтини мусулмонлар жамоасига исломий нуқтаи назардан шарҳлаб бераар эди. Ҳозирда у кишининг шоғирдлари бу ишни баҳоли қудрат давом эттиришмоқда. Шу ва шунга ўхшаш воқеликнинг таъсирида бугунги кунга келиб ҳазрат Навоийни муқаддас ислом дини аҳкомларига боғлаб тушуниш ва тушунтириш ишлари ҳам бошланиб кетди. Бироқ бу йўналишдаги ишларнинг натижасини ҳали узоқ кутишимизга тўғри келади, шекилли.

Бизнинг Навоийдан, унинг фикрлари, образлар дунёсидан тобора узоқлашаётганимизга асосий сабаб эса навоийшуносларнинг тасаввуф, хусусан, нақшбандия тарихи нозирисидан анчайин беҳабарлиги билан боғлиқ. Яна бир жиҳат борки, турли-туман тасаввуф тариқатлари мавжуд бўлиб, улар назарий асос – эътиқод-ишончида ҳам, кундалик амалида ҳам бир-биридан катта фарқ қилади.

Тасаввуф тарихини махсус ўрганган мутасаввиф алломалар амалида фарқи бўлса ҳам, назарий асосда аҳли сунна вал жамоа эътиқодини маҳкам ушлаган тариқатларини чин тариқат деб атайди. Бизнинг юртимизда амал қилган кубровия, яссавия, бугунда ҳам амалда бўлган нақшбандия, Туркияда ҳозиргача амалда бўлган мавлавия каби тариқатлар сунния йўналишида бўлгани учун исломга мувофиқ саналади ва бу йўлдаги сўфийларнинг мусулмон эканлигига шубҳа қилинмайди.

Юқоридегиларни эътиборга олсак, ҳазрат Навоийни тасаввуф шоири деб қисқа айтиш хато – уни нақшбандия тариқатига эргашган мутасаввуф шоир деб таъкидлаб айтиш зарур бўлади. Чунки ҳазрат Навоийни тасаввуф шоири дебгина қўя қолсак, уни баъзи адашган тасаввуф оқимларига ҳам боғлаб қўйган бўламиз. Ҳазрат Навоий эса ислом уламосининг аксарияти ислом ақидасига ва суннатига тўла мос, деб тан олган нақшбандия тариқатида бўлгани аён бир фактдир.

Ҳазрат Навоий ижодини нақшбандия таълимоти негизда ўрганиш ишларига бугунгача деярли киришилмагани афсус билан



қайд этиш зарур. Деярли, деганимизнинг сабаби шунки, адабиётнинг чуқур билимдони саналган, хусусан, навоийшуносларнинг ҳаммаси бир овоздан эътироф этадиган Иззат Султондай аллома ҳам умрининг охиридагина бу нарсанинг илдизини илган эди. Бу киши ҳазрат Навоийни чуқур тушуниш учун исломий билимларнинг ўзи камлик қилишини эътироф этиб, бунинг учун аввало тасаввуфни теран ўрганиш лозимлиги тўғрисида тўхтамга келган ва «Нақшбанд абадияти» деган бир мақола ҳам битган эди. Мазкур мақола ҳамон бу йўналишдаги ишларнинг биринчи ва охириги бўлиб турибди. Ҳазрат ижодини тасаввуфга боғлаб ўрғанилган бошқа ишларда эса айнан нақшбандия таълимоти асос қилиб олинмагани учун уларни санашни жоиз кўрмадик. Яъники, тасаввуф борасидаги илмларимиз ҳали ҳануз мустаҳкам бир ўзанга тушгани йўқ.

Менинг эътиқодимча, ҳазрат Навоийни тушуниш учун тасаввуф деган умумий тушунчани эмас, айнан нақшбандия таълимотини чуқур билиш зарур. Чунки ҳазрат Навоий айнан нақшбандия тариқатига эътимом қилган. Нақшбандия шайхларини ўзига шайх, пирларини пир, таълимотини дунёқароши учун асос, деб қабул қилган.

Ҳазрат Навоийнинг «оламни бирликда, ягоналикда, деб эътиқод қилгани», аслида, Аллоҳдан ташқаридаги оламнинг бирликда, ягоналигини эътироф этганини кўрсатади. У комил мусулмон бир инсон сифатида ҳеч қачон одамни Аллоҳнинг зарраси – Аллоҳдан узилиб, У билан қайта бирлашиш учун ишқ аталмиш кўприкка эҳтиёж сезадиган зарра ҳолида тасаввуф этмаган. Ҳолбуки, ҳазрат Навоий Мансур Халлош бошидан ўтқарган тақдир тасаввуф йўлидаги бир мақом эканини, бундан юқорида ҳам мақомлар борлигини яхши билган.

Ҳазрат Навоий тариқат бошчиси бўлган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд жанобларининг ҳаёти ва таълимотидан чуқур хабардор бўлганига шубҳа йўқ.

Ислом фалсафаси оламда қуёш ва бошқа ёруғлик манбалари билан бир қаторда Аллоҳнинг нури ҳам жилва қилиб туради, деб тушунтиради. Бу нур «жисмларнинг ичидан таралаётган нур»дан фарқли ўлароқ, бутун оламга маъно бағишлаб турши алоҳида қайд қилинади. Лекин бу нурни кўриш, унинг жилвасидан баҳраманд бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Уни фақат орифлар – қалби Аллоҳ маърифати билан чароғон бўлган зотларгина кўриши мумкин.

Ва яна шуниси ҳам аҳамиятлики, ўзгаларга дин ва дунё ҳаётини тушунтириб бераётган орифлар қалбидаги чироғ – маърифат чироғи бўлиб, унинг нурларини Аллоҳнинг тажаллийси – ориф қалбида Аллоҳ муҳаббатининг уйғониши билан боғлиқ ва Аллоҳга муҳаббат кучайгани сари ориф қалби атрофга таратаётган ёруғлик ҳам кўпайиб-кучайиб боради.

Ва бунинг акси ҳам тўғридир. Ориф қалби хиралашса, унда Аллоҳ муҳаббати ўрнини дунё молига қизиқиш эгаллай бошласа, тажаллий нурлари ҳам сўниб, камайиб боради.

Ориф қалбидаги жилва, нур бу – қалбнинг ўзидан таралаётган нур эмасдир, ақс ҳолда, бу нур дунёдаги нарсалар таратаётган нурга ўхшаб қоларди. Йўқ, ориф қалбидаги нур, бу – Аллоҳ тажаллийсидир.

Ҳазрат Навоий бутун умр ўз қалбининг сувратини чизди. Бу қалба эса Аллоҳ тажаллий эътиб турарди. Ҳазратимиз ориф шоир бўлган.

Мусулмон НАМОЗ



Самарқанд вилояти

Луқма

Қўшрабтда «кетмон учмайди»(ми?)

Қўшрабт туманининг олис, чекка қишлоқлари аҳолисини ҳам тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишларига киришилди. Ҳали асфальт йўл етиб келмаган Эжгонт қишлоғи хонадонларига қувур тортилаётганидан аҳоли мамнун. Аммо бу янгиликни қишлоқда ҳамма «қарсак» билан қабул қилмоқда, деб бўлмайди. Ҳали 30 хонадондан иборат қишлоқда тўмтайиб, норози бўлиб юрганлар ҳам бор.

– Қишлоқда иш бошлаган сув қурилиши ташкилоти етти хонадонни ажратиб қўйди. Бу уйлар тоза сув билан таъминлаш лойиҳасига киритилмаган эмиш, – дейди шу қишлоқда яшовчи Шодмон Шакарнов. – Хонадонимиз билан янги бунёд этилаётган сув минораси оралиғи чамаси 150 метрлар бор. Қишлоқни кесиб ўтган йўлнинг бу юзидати барча уйлар худди биз каби тоза сувдан бебаҳра

этилган. Қурувчилар бу масала ечими туман «тоза сув таъминоти» корхонасига боғлиқ, дейишмоқда. Улардан эса жўяли бир жавоб чиқмайди. «Аҳволни жойида ўрганишимиз», дегани ҳам анча бўлди. Қўшрабт тумани тоза сув таъминоти корхонасидан бўлганимизда, шунга ўхшаш яна бир ҳолатга дуч келдик. Тумандаги «Қийқим» маҳалласи аҳолисини ҳам тоза ичимлик суви билан

таъминлаш дастурига киритилган. Қишлоқда қувур тортиш ишлари поёнланаётган бир пайтда бу ерда ҳам муаммо чиққан. – Қишлоқдаги кўчанин иккинчи бетидаги юзга яқин хонадон, 300 нафар ўқувчи тахсил олаётган 10-сонли умумтаълим мактабини «думбул» лойиҳачилар унутиб қолдиришибди, – дейди шу маҳаллада яшовчи Абдуназар Рўзиев. – Маҳалла раисига юзлансангиз, елкасини қисиб, икки қўлини ёнига ёзади, холос. Бирор жўяли гап эшитамиз, деган ниятда бу ерга келдим. «Тоза сув таъминоти» корхонаси бошлиғи Фарход Болиев арзи-додларни тинглагач, компьютерга юзланади. Бу сунъий йўлдош орқали лойиҳалаштирилган, дея уни титкилашга тушди. Наридан бериси йигирма беш чақиримлик Қийқим ва

Эжгонт қишлоқларини бир бало қилиб сунъий йўлдош орқали топиб олишди. Сизнинг хонадонингиз қайси томонда, дея юзланади бошлиқ Абдуназар Рўзиевга. Олабужурдан боши гаранг Абдуназар акага коинотдан кўрсатилмаётган қишлоқнинг боши-ю охири қаёқлигини англаб олишининг ўзи душвор бўлди. Қўли билан бир жойини ниқтаса, бошлиқ бу тескари томон, дейди. Сув дардида юрган одам саволлар қаршида доводирагандан доводиради. Ҳар тугул бошлиқ юмшади. – Энди қишлоққа борасиз, номимга ариза ёзиб, ўша сувсиз қолган одамларга қўл қўйдириб келасиз, – деди Ф.Болиев. – Шундан сўнг масалангизини ўрганишимиз. Юрак ҳовучлаб турган эжгонтликларга ҳам шунга яқин жавоб бўлди.

– Эртага қишлоққа бораман, – деди бошлиқ. – Сув тортилмаган хонадонлар уй-жой кадастрларини тахт қилиб турсин. Битта-битта кўриб, масалани ўша ерда ечамиз. Муаммо жойидан жилганидан хурсанд қишлоқдошлар туман тоза сув таъминоти корхонаси бошлиғи Фарход Болиевни кута-кута чарчашиди. Эртанинг эртаси сира адо бўладиганга ўхшамайди. 36,5 миллион АҚШ долларлик қийматдаги бунёдкорлик эвазига Қўшрабт қишлоқларини тоза сув билан таъминлаш лойиҳаси «осмондан» олин-

гани боис, турли чалқашликлар сероб. Аҳоли «раҳмати»ни кимга етказайлик – лойиҳачиларгами ёки «Тоза сув таъминоти» корхонасига? Бу соҳага масъул ким ўзи?

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»



Наманган вилояти

Оғриқ тишлар...

«ЭШИКЛАР» АРО САРСОН ПЕНСИОНЕРЛАР

Мана, Наманган шаҳридаги шу кунлардаги ҳолат. Аҳоли ҳеч қандай карантин қоидаларига риоя қилаётгани йўқ. Бу ҳолатда одамларни айблаш ҳам ноўрин. Бир пластikka тушган пенсиясини нақдлаштиришга келган бўлса, яна биров бола пулини ололмаганидан, бошқаси мuddати тугаган пластигини тўғрилолмаганидан, кимдир эса пенсиясида қандайдир муаммолар борлиги учун ҳам шу ерга тўпланган. Аммо бу шароитда аҳоли орасида яна вирус тарқалиб кетмаслигига, бошқаси мuddати тугаган пластигини тўғрилолмаганидан, кимдир эса пенсиясида қандайдир муаммолар борлиги учун ҳам шу ерга тўпланган. Аммо бу шароитда аҳоли орасида яна вирус тарқалиб кетмаслигига, бошқаси мuddати тугаган пластигини тўғрилолмаганидан, кимдир эса пенсиясида қандайдир муаммолар борлиги учун ҳам шу ерга тўпланган.

Айниқса, вилоят «Халқ банки» олдиди ҳар кун саҳармардонлаб тўпланаётган одамларни кўриб, уларнинг муаммолари билан яқиндан танишиб, молиявий кам-кўсти бор, уйда қозонини қайнатишга маблағи йўқ бўлган кишини ҳеч қандай вирус кўрқити олмаслигига амин бўлиш қийин эмас. Аёлларнинг ёш болалари билан келиб тўпланишгани эса янада хавотирли... Шу ўринда савол туғилади: нега соҳа мутасаддилари бу ҳолатга панжа ортидан қарашмоқда? Нега уч кунлаб банк эшигида саргардон одамларга ўз вақтида ёрдам берилмапти? Нега ёши бир жойга бориб қолган пенсионерлар айна карантин даврида ҳам ҳар хил «эшиклар» орасида сарсон? Бу саволларга жавоб берадиган «мард»ни эса карантин баҳонаси сабаб ўз жойидан топиб бўлмади.

Орзуғул РУСТАМОВА, «ISHONCH»



Менда таклиф бор...

«АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ» ХАЙРЛИ АНЪАНАНИ ТИКЛАШ КЕРАК

Бир вақтлар «Гулистон» журнали шарофати билан бир гуруҳ юртдошларимизга шахмат бўйича II ва III спорт разрядлари берилганини бугун кўпчилик билмаса керак. Гап шундаки, ушбу отахон нашрининг олис 1977 йилги 6-сониди ўзга хос танлов эълон қилинган, қатнашчилар бир неча шахмат этюдлари ва масалаларини ечиб, журнал таҳририятига жавоб йўллаш сўралган эди. Унда юртимиз ва ҳатто қўшни республикалардан ҳам «ақл гимнастикаси»нинг юзлаб ихлосмандлари иштирок этишган. Ўзбекистон шахмат федерациясининг ўша пайтлардаги раҳбари Мамажон Муҳиддинов раҳбарлигида ўтган танлов якунида бошқотирмаларга тўғри жавоб юборган ғолиб ва совриндорлар таҳририят ва федерациянинг совгалари билан тақдирланишдан ташқари спорт разрядларига ҳам эришиб, профессионал шахмат сари илк қадамларини босишган эди.

Эндликда айрим ёши улуглар ёдида ва бу нашрнинг сарғайган саҳифаларида қолган ўша танлов билан боғлиқ хотираларни бежиз тилга олмадик. Бу воқеа қирқ йиллар аввал юртимизда шахматнинг янада оммалашувига озми-кўпми сабаб бўлган, бунда спорт ташкилотларидан ҳам кўра кўпроқ айнан даврий нашрнинг ташаббуси биринчи ўринга чиққан эди. Биз кўтараятган масала айна шу каби жиҳатлар билан боғлиқ.

Катта ёшли журналхон ва газетхонлар яхши эслашади: собиқ иттифоқ пайти ва ҳатто 2000-йилларнинг бошларигача диёримиздаги қатор нашрларнинг сўнги бетларида шахматга бағишланган алоҳида рўқналар, саҳифалар бўларди. «Гулистон»дан ташқари яна «Гулистон», «Еш куч», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат», «Сўғдиёна» ва бошқа газета ҳамда журналларнинг бир қанча сонларида шахмат этюдлари, масалалари, машҳур шахматчиларнинг партиялари, позициялар таҳлили бериб борила, қолаверса, бошловчилар учун ўйин қоидалари сонма-сон тушунтирилган эди. Бундан Марказий Осиёдан чиққан биринчи спорт устаси, ушбу ўйиннинг шарҳдаги тараққиёти тарихини чуқур ўрганган олим – марҳум Мамажон Муҳиддинов ва таниқли мутахассис Маматқул Хайлаевнинг хизмати катта.

Қайд этиш жоизки, юртимизда бир неча ўн йилликлар давомида шахматга ихтисослашган бирорта даврий нашр чиқмаган (аф-

сусли, бундай нашрлар ҳалигача йўқ). Ўзбек тилида шу соҳага бағишланган китоблар эса бармоқ билан санарли даражада чоп қилинган пайтларда газета ва журналларимиз шундай кемтикликларни маълум маънода билдирмай туришган. Яъни шу спорт тури бўйича зарур адабиётлар танқислиги шароитида оммабоп нашрларимиз майдонга чиққан. Шу йўсин шахмат ҳаваскорларининг эҳтиёжларини баҳоликудрат қондиришган.

Таассуфки, кейинги йилларда газета ва журналларнинг дам олиш саҳифаларини саволлари жўн, бачкана сканвордлар, «ҳаваскор»ларнинг «ижод намуна»лари «эгаллаб олди». Эҳтимол, афкор омма учун хийла мураккаб бўлган шахмат композициялари ўқувчилар эътиборини унчалик тортмагандир ва тортмаётгандир? Ёки таҳририятларда шахмат топилмоқларидан кўра енгилроқ топилмоқларни излаб топиб, саҳифага жойлаштириш кулайроқ деган тасаввур шакллангандир?! Билмадик. Лекин ҳар ҳолда шахмат мухлислари кўпчилиги аниқ, Хусусан, қатор қишлоқларимиздаги эски чойхоналарда ҳаваскорлар иштирокида шахмат мусобақалари тез-тез ўтказилади. Бу – элимиз ўртасида кенг тарқалган узок йиллик анъаналаримиздан бири. Қолаверса, бу ўринда ўзбек шахмати вакилларининг дунёдаги ўрнига тўхталишга, Нафиса Мўминова, Нодирбек Абдулаттаров, ака-ука Синдоровлар ва бошқа кўлаб ёш иқтидор соҳибларининг

жаҳон шахматида эришяётган ютуқларини бирма-бир санашга ҳожат йўқ. Кучли шахматчи бўлиш учун эса этюд ва масалаларни еча олиш маҳорати шаклланиши зарурлиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бу спорт тури азалдан бизда оммавий экан, халқимиз орасида унга қизиқувчилар етарлича топилаётган, даврий нашрларимиз нега шу жиҳатга эътибор қаратишмапти?! Ахир, илгари «шахмат саҳифалари» билан боғлиқ ажойиб анъаналар бўлган-ку! Бундай хайрли ва фойдали анъаналарни тиклаш мавриди келмадимикан?!

Дарвоқе, 2018-йилнинг 9 августиди давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда шахматни ривожлантиришга оид қарори қабул қилинган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда мамлакатимиздаги айрим умумий ўрта таълим мактабларида таъриб, тарикасида шахматга ўқитишни ташкил этиш кўзда тутилган. Бундан кўзланган мақсад ёшларимиз орасида «ақл гимнастикаси» ни яна ҳам кенг оммалаштириш, унга қизиқувчилар учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришдан иборат.

Уйлаймизки, газета ва журналларимиз шахмат композициялари ҳамда партиялари акс этган доимий рўқналарни йўлга қўйишса, хайрли анъанани муносиб давом эттирган бўлишар эди.

Рустам ИБРОҲИМОВ, «ISHONCH»



Мулоҳаза

«МЕНИНГ ОТАМ «ХАЛТУРА» ЭМАС»

ёхуд ҳужжатлардаги хатолар қандай тўғриланади?

Халқимизда «Исм ҳам хусн» деган нақл бор. Оилада фарзанд дунёга келса, боболар-у бубилар ҳам беҳад қувонади. Улар чақалоққа муносиб ва чиройли исм танлашга ҳаракат қилади.



Чақалоқларга туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёзилаётганда ота-онанинг паспортидаги маълумотлар асос бўлади. Афсуски, ана шу жараёнда ота-онанинг ҳужжатларидаги хатолар айнан кўчирилади. Бундай ҳолатлар фуқаролик паспортини олаётганда ҳам кузатилади. Умумтаълим мактабини битирганлик ҳақидаги шаходатномалар, олий ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисидаги диплом ва бошқа ҳужжатларда хатолар давом этаверади. Чунки уларнинг ҳаммаси фуқаролик паспортга қарай ёзилади.

Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар, паспорт ва бошқа расмий ҳужжатларда ҳали-ҳануз хато ёзилган исм-шарифлар кўп учрайди. Яқинда ФХДё бўлимига бир йигит келиб, паспортини кўрсатиб, куюниб гапира кетди. Унинг айтишича, бобосининг исми Жўрабой бўлган, аммо русча Джурвай деб ёзилган. Отасининг исми Холтўра экан, ҳужжатда Халтура. Боласининг қўлидаги ортиқча бармоқ сабаб унга Қўшоқ деб исм қўйишибди. Унга «Қошиқ» деб ҳужжат беришган экан.

Илгарилари эътибор бермаган эканман, – дейди йигит куюниб. – Мактабда ўртоқларим устимдан кулишганда хафа бўлибман-у, ота-онамга астойдил бу ҳақда гапирмабман. Ахир, исминни ўзгартириб ёзиб беринглар, тузатинглар, десам бўларди-ку. Бироқ уларнинг бунга кўнишлари қийин эди. Чунки

ёрдам пули, иш жойидан бериладиган моддий кўмак исм-фамилия ўзгарса, берилмасди-да. Бобомнинг исмидаги «ж» ҳарфи олдига «д» қўшилгани ҳам майли... Аммо отамнинг исми «халтура»га айланиб қолганига чидай олмайман. Бу хатоларни мен тўғрилашим керак, акс ҳолда фарзандларим ҳам мен каби «халтурачи»лар бўлади.

Ҳақиқатан ҳам йигитнинг куюнганча бор. «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қатъи назар, ўз исминини, отасининг исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар» деб ёзилган.

Афсуски, кўпчилик паспортдаги имловий хатоларни тўғрилатирсам, бошқа ҳужжатлардаги хатоларини ҳам тузатиб чиқишнинг ўзи бўлмайди, деб ўйлайди ва кўл силтади. Аммо қачонгача Тожимурод – Таджимурат, Тожихон – Таджихан, Қўқор – Қучкар, Тўхта – Тахта бўлади? Абыд, Арып, Адилджан, Кадыр, Гаппар, Рапык, Патта, Уғилмай... каби исмларни қандай изохлашни ҳам билмайсан киши...

Муайян сабабларга кўра фамилия, исм ва ота исминини ўзгартириш фуқаронинг яшаш жойидаги ёки далолатнома ёзувлари сақланаётган ҳудуддаги ФХДё бўлими томонидан Оила кодекси, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари ва ФХДё органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқнома асосида амалга оширилади.

Шундай экан, исм-шарифнинг ҳужжатларда тўғри ёзилишига аҳамият бериш, агар хатолар бўлса, уларни тузатишга ҳар биримиз масъулмиз.

Гўлноза РАЖАБОВА, Бўстонлик тумани ФХДё бўлими мудираси

МУАССИС:



ISSN 2010-5002 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Миллий ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),

Меҳриддин ШУКУРОВ, (Масъул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишнинг мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Набатчи муҳаррир: Х.Норбоев
Саҳифаловчи: Х. Абдужаллилов

Босишга топшириш вақти – 22:00
Топширилди – 03:40

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 4 босма табоқ. Бюрога Т – 617. 30062 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133
1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарха

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-маънавият акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Тошкент шаҳри



Кун қаҳрамонлари

Улар тонгни ҳар дам шундай қарши олади: саришталик ва озодалик билан...

Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Фотолавҳа

Олмазор тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги 22-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 16.06.2012 йилда Бурхонқўжаев Аббосхон Боситхон ўғли номига берилган №8724341 рақамли шаходатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» давлат қорхонаси томонидан Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 74-Б-уй манзилида жойлашган нотузар жой биноси учун Ташмухамедов Дилмурод Гуломович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси Федерация Ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси Гавҳар Ҳақимовага акиси Рустамжон ҲАКИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.